БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 53 (284)
16 МАРТ
ЧОРШАНБА
1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Уртоқ Н. А. Булганин Италия Республикасининг элчиси Марио ди Стефанони қабул қилди (1-нчи бет).

Совет Ўзбекистонида (1-нчи бет).

Х. Асатуллаев. — Маҳаллий саноат тормоқларини янада кенгайтирамиз (1-нчи бет).

Н. Воробьев, П. Алексеев. — «Свободный труд» колхозининг ривожланиш перспективалари. Колхозчилар КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорини бажариш тадбирларини ишлаб чиқмоқдалар (2-нчи бет).

Область қишлоқ хўжалик виставкаси (3-нчи бет).

Ю. Баҳодиров. — Илғор галлакор колхоз нега қолоқ бўлиб қолди? (3-нчи бет).

Ф. Федоров. — Ҳовос район колхозларида чорва молларини боқишни яхшилайлик (3-нчи бет).

М. Аҳмедов. — Такомиллаштирилган ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ҳақида (3-нчи бет).

Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг қарорлари (4-нчи бет).

Италия жамоат арбобларининг тинчликни ҳимоя қилишга бағишланган конференцияси (4-нчи бет).

АҚШ ўзига итоат қилдирган давлатларни қуроллантирмоқда (4-нчи бет).

Париж битимларига қарши Европа меҳнаткашлари конференциясини ўтказишга тайёргарлик (4-нчи бет).

Тошкентда (4-нчи бет).

Қишлоқда маданий-оқартув муассасаларининг ишини янада яхшилайлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини ошириш, маданий-оқартув муассасаларининг тормозини кенгайтириш ҳамда уларнинг аҳолига хизматини янада яхшилаш учун доимий ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Халқимизнинг социалистик маданияти, сан'ат ва адабиёти тез сур'атлар блан ривожланмоқда.

Мамлакатимизда маданий-оқартув муассасалари тармоқларининг йилдан-йил кенгайиб бораётганлиги совет кишилари маданий даражасининг тўхтовсиз юксалиб бораётганлигининг ёрқин далилидир. Социалистик шаҳарларда ва колхоз қишлоқларида қад кўтарган маданият саройлари, кўркам клублар, бой китоб фондига эга бўлган кутубхона ва ўқишхоналари, тарих ва ҳаёт кўзгуси бўлган музейлар меҳнаткашларнинг кўнгилли дам оладиган, ўз билим савияларини оширадиган севимли жойига — сиёсий-тарбиявий ишларнинг ҳақиқий марказига айланган.

Мамлакатимизда коммунистик жамият қураётган халқимизнинг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнамоқда. Халқ талантларини ўсиштирган ҳаваскорлик тўгаракларининг ижодий муваффақиятлари умумхалқ ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари зиммасига шарафли ва мас'улиятли вазифалар юклатилган. Улар ўз фаолиятларини меҳнаткаш оммани ижодий ташаббусини оширишга қаратишлари, уларни халқ хўжалигининг турли соҳаларида янгилан-янги муваффақиятларга эришишга сафарбар этишлари лозим. Маданий-оқартув ишлари халқимиз оллида турган вазифалар блан мустаҳкам боғлаб олиб борилиши керак. КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари, партия ва ҳукуматимизнинг янги қарорлари. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш — маданий-оқартув муассасалари ходимларидан ташаббус кўрсатиб ишлашни талаб этади. Бунинг учун маданият саройлари, клублар, кутубхона, кино-театрлар ва ўқишхоналарининг иш фаолиятини ҳаракчонгидан ҳам кучайтириш зарур.

Областимизнинг айрим районларида маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари ўз ишларини ҳозирги янги вазифалар асосида қайта қурмоқдалар, аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ва маданий-оқартув ишларини кучайтирмоқдалар. Янгийўл районидаги колхозларда 12 кутубхона, 17 клуб ва 3 қишлоқ кутубхонаси мунтазам ишлаб турипти. Бу клуб, ўқишхона ва кутубхоналарда партия ва ҳукуматимизнинг янги қарорлари, пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган янги агротехника усуллари, чорвачиликни юксалтириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини комплекс равишда ривожлантириш юзасидан лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда, илмий-оммабоп кино фильмлар кўрсатилмоқда ҳамда виставкалар ташкил этилмоқда.

Аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришда балиий ҳаваскорлик тўгаракларининг роли катта. Ҳаваскорлар ўз репертуарлари блан ишимизлаги ютуқларни куйлаб, кишилар онгидаги эскилик қолдиқларини, ишёқмас, лангасаларни танқид этадилар, уларнинг янги меҳнат зафарларига илҳомлантирадилар. Халқ талантларини кунт блан тарбиялаш, уларнинг ижодий юксалишлари учун ҳамма шароитларни яратиб бериш — Ўзбекистон Совет ёзучилари союзи ва Композиторлар союзи, Республика халқ ижодий уйи ҳамда маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, маданий-оқартув муассасаларининг энг муҳим вазифасидир.

Юқори савияла ўтказилган ҳарбир лекция, доклад ва суҳбат меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг кудратли воситасидир. Республикамиз Олий Совети ва маҳаллий Советларига яқинда бўлиб ўтган сайловлар вақтида меҳнаткашлар ўртасида лекция пропаганда анча кучайтирилди, агитпунктлар иши мунтазам олиб борилди. Лекин бу агитпунктларда сайловлардан кейинги вақтларда оммавий-сиёсий ишлар анча бўшаштириб юборилмоқда.

Ба'зи бир районларда лекциялар ўз вақтида ўтказилмаётир. Лекторлар группаси ҳисобида турган лекторлар, ҳатто уларнинг раҳбарлари кўп вақтлардан буён омма ўртасида лекция ўқимайдилар. Ғулистон район лекция группасида 12 киши ишлайди. Бу группада 1954 йилда бирор марта йиғилиш ўтказилмаган. Район маданият бўлимининг мудири Офицеров, район маданият уйининг директори Кабалдин ўртоқлар меҳнаткашлар ўртасида бирор марта ҳам лекция ўқимаганлар, лекция ўқишта район активларини, агроном, зоотехник, ўқитучи ва бошқа касбдаги мутахассисларни жалб қилишга э'тибор бермай келаётирлар.

Айрим районларда клуб, кутубхона ва ўқишхоналарнинг ишида ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Верхне-волинск, Бекобод, Бўка ва Оққўрғон районларидаги колхозларда клуб, кутубхона ва ўқишхоналарининг иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу район маданият бўлимларининг мудирлари Яровкин, Мансуров, Исаев ва Муродов ўртоқлар ишда фаолиятсизлик кўрсатмоқдалар. Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари маданий-оқартув муассасаларининг ишларини райён маданият бўлимларининг зиммасига юклаб қўйиб, улар иши устидан кочтрольлик ўрнатмаётирлар.

Областимизнинг кўпчилик колхозларида клуб ва кутубхоналар бор. Уларни колхозчилар ўзларининг бўлмас фондлари ҳисобидан барпо этганлар. Колхозчилар бу клуб ва кутубхоналарда ишлаш кейин дам олишни, янги китоблар ўқишни, лекция ва суҳбатлар тинглашни, турли кинофильмлар кўришни истайдилар. Бироқ, айрим колхоз раҳбарлари бу масалага бефарқ қараб келмоқдалар. Областимизда 50 га яқин колхоз клуби ёпиб қўйилган ва улардан кўпчилиги маҳсулот омборларига айлантирилган.

Октябрь районидаги Калинин номли, Киров номли, Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм», «Политотдел» ва Оҳангарон районидаги Киров номли, Каганович номли ва Жданов номли колхоз клубларида турли асбоб-ускуналар сақланмоқда, улардан оклал ўрнида фойдаланилмоқда. Бу аҳволга район партия, совет ташкилотлари ва маданият бўлимларининг раҳбарлари нега индамай келадилар? Бу — қишлоқ меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатишга бюрократларча муносабатда бўлишнинг окибати эмасми?

Колхоз клублари ва кутубхоналари сиёсий-тарбиявий ишларнинг марказига айланиши керак. Клуб ва кутубхоналарнинг ишиклари меҳнаткашлар учун ҳамавақт кенг очиқ бўлиши ва уларнинг фаолияти колхозчиларни коммунистик руҳда тарбиялашга, маданий савияларини оширишга, оммани партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини бажариш учун курашга сафарбар этишга қаратилиши лозим.

Колхоз бошлаигич партия ташкилотлари клуб ва кутубхоналарнинг ишлари блан мунтазам шуғулланишлари, колхозчиларга маданий хизматни яхшилашга қаратилган янги талбирлар белгилашлари керак. Колхоз клубларининг советлари клуб иш планларини ўз вақтида кўриб чиқишлари ва маданий-оқартув ишларининг айрим тармоқларини ўсиштириш бўйича совет а'золарининг вазифаларини белгилаб, улар устидан раҳбарлик қилишлари лозим.

Ҳозир областимизнинг кенг пахтаҳоларида, ғалла майдонларида, узоқ яйловларида кўкламги дала ишлари кундан-кун кизитилмоқда. Пахтакорлар ва механизаторлар чигитни янги агротехника усулида экишга тайёрланмоқдалар ва улар бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун зўр ғайрат блан ишламоқдалар. Ана шундай мас'улиятли кунларда маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ҳаркачонгидан ҳам кучайтиришлари, далада, яйловда ишлаётган омма орасида маданий хизматни яхши йўлга қўйишлари зарур.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари маданий-оқартув муассасаларининг ишларига раҳбарликни кучайтириб, уларнинг фаолиятини ҳозирги янги вазифалар даражасига кўтаришлари лозим.

Ўртоқ Н. А. БУЛГАНИН Италия Республикасининг элчиси Марио ди Стефанони қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Италия Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Марио ди Стефанони 15 мартда қабул қилди. (ТАСС).

Илмий-техника жамиятлари раҳбарлик органларининг ҳисоботлари ва сайловлари тўғрисида

Илмий-техника жамиятларининг бутун шоҳобчаси қайтадан ташкил қилинаётганлиги муносабати блан ВЦСПС секретариати 1955 йилда илмий-техника жамиятлари бошланғич ташкилотлари кенгашларининг, область, ўлка, йўл, ҳавза, республика ва марказий правлениеларининг ҳисобот ва сайловларини ўтказишга қарор қилди.

Ҳисобот ва сайловларни ўтказиш учун қуйидаги муддатлар белгиланди: жамиятнинг корхона ва муассасалардаги бошланғич ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари 1 майгача; область, ўлка, йўл, ҳавза ва республика конференциялари 1 июньгача; Бутуниттифоқ конференциялари 1 июльгача ўтказилади.

Қарорда уқтириб ўтилишича, илмий-техника жамиятлари раҳбарлик органларининг ҳисобот ва сайловларини жамият а'золарининг ижодий ташаббусини янада ривожлантириш ва уларнинг янги илғор техникани яратишда, резервларни аниқлашда ва улардан фойдаланишда, илғор ишлабчиқариш-техника тажрибасини ўрганишда ва ёйишда, жамиятларнинг ишидаги камчиликларни танқид қилишни ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришда иштирок қилишлари шиори остида ўтказиш зарур. (ТАСС).

Совет Ўзбекистонида

Ернинг қатқалоқ босишига йўл қўйилмаётир

ШЕРОБОД, (Сурхондар'ё области). (ЎзТАГ). Шерободдар'ё водисида ҳаво ўзгариб, гоҳ кун исиб, гоҳ ёмғир ёғиб турипти. Пиғичка толали пахта экиш учун тайёрланган далаларда қатқалоқ пайдо бўлди. Бу эса тўпланган намнинг қочиб, бугланиб кетиш хавфини туғдирди.

Қатқалоқни тугатишга пахтакорларнинг ҳамма кучлари сафарбар қилинган. Шеробод МТСининг механизаторлари «зиг-заг» бороналари тирқалган қирқдан ортиқ ҳайдов ва чопиқ тракторини далага чиқардилар, колхозлар эса бу ишга икки юзга яқин от-уловни ажратдилар. Оғир молалар тайёрлашга киришилди. МТС мастерскойида темирчилар, ҳунармандлар ва справщиклардан иборат бригада тузилди. Бу бригада типовой чертёжлар бўйича ўнларча трактор молалари тайёрлаб бермоқда. Колхозларда ҳам от-улов блан ишлатилиган молалар кўп миқдорда тайёрланди.

— — —

Илғор район матлубот союзи — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг кандидати

НУКУС. (ЎзТАГ). Хўжайли район матлубот союзи Қорақалпоғистонда илғор қишлоқ матлубот жамиятидир. Товарообороти планини доимо ошириб бажарганлиги учун унга қаторасига етти марта ВЦСПС ва Центросоюзнинг кўчма Қизил байроғи берилди. 1954 йилнинг тўртинчи квартали якунлари бўйича илғор кооперативчиларга ССР Иттифоқи Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Кооперативчилар ўтган йилги товарообороти планини тўққиз миллион сўмлик кўпроқ ошириб бажардилар ва шу вақт ичида етти миллион сўмлик кўпроқ жамгарма ҳосил қилганлар. Бу маблағларнинг бир қисмини район матлубот союзи правлениеси ўзига электростанция, болалар яслалари, кутубхоналар ва стационар киноустановка қуриш учун сарфламоқчи.

Хўжайли матлубот жамияти қишлоқ жойларига товарларни муайян маршрут блан етказиб бериш усулини кенг қўлланмоқда. Бу тажриба Қорақалпоғистоннинг бошқа районларига кенг ёйилмоқда. Ҳозирги вақтда кооперативчилар экиш кампанияси даврида колхозчиларга хизмат кўрсатишга тайёрланмоқдалар. Бунинг учун автомагазин ажратилди, товарларни аравада ва кўтариб юриб сотадиган шоҳобчалар ташкил қилинди. Кўпгина кенг исте'мол моллари қишлоқ исте'молчисига биринчи марта махсус посилкалар қилиб етказиб берилади.

Илғор қишлоқ матлубот жамияти 1955 йилги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидат қилиб кўрсатилди.



Самарқанд областидаги Эски Ангор ирригацион канали қурилиши кунсайин тезлатилмоқда. **Суратда:** смена нормасини икки ҳиссадан ошириб бажараётган илғор машинист экскаваторчи **Б. Г. Ильин** иш устида.

А. Кузьменко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Чорвачиликни янада юксалтириш учун

САМАРҚАНД. (ЎзТАГ). Самарқанд районининг колхозчилари ва механизаторлари КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг қишлоқ хўжалигини планлаштириш практикасини ўзгартириш тўғрисидаги қарорига амал қилиб, колхозларга беркитиб қўйилган ерлардан яхши фойдаланишга, далачилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга ўз кучларини сафарбар қилмоқдалар.

Самарқанд районидаги 1-нчи МТСнинг бош зоотехниги К. Д. Иванов ЎзТАГ мухбири блан қилган суҳбатида қуйидагиларни айтди:

— КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг кенги қарори колхозларга, совхоз ва МТСларга ўз хўжалигини ривожлантиришни планлаштириш ишини яхшилаш соҳасида катта имкониятлар беради. Бу қарор ишни тўғри ва рационал равишда олиб боришга, маҳсулот етиштиришни кескин суратда кўпайтиришга ёрдам беради.

Бизнинг МТСимиз зонасидаги колхозлар бу йил экинлар ва чорвачилик маҳсулотларининг энг муҳим турлари етиштиришни ҳар 100 гектар ер ҳисобига анча кенгайтиришни мўлжалламоқдалар. Масалан, Молотов номли колхознинг а'золари чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун бирданча тадбирларни амалга оширадиган бўлдилар. 120 бош сигир йил бўйи қўлда боқилади. Чорва молларини боқишни яхшилаш учун уларга яхши хил ем-хашаклар берилади. Илғари колхозда маккажўхори ва хашаки лавлаги деярлик экилмас эди. Бу йил 50 гектарга яқин ерга ана шу экинлар экилади. Бундан ташқари, узоқ яйловларда беда, силос экинлари ва арпа экиш учун анча катта ер майдонлари ажратилади. Мана буларнинг ҳаммаси бу йил сут соғиб олишни икки баравар кўпайтириш ва ҳар юз гектар ерга олинадиган гўштни анча кўпайтириш имкониятини беради.

Шу нарса характерлидирки, бу колхознинг а'золари давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш, шунингдек МТСнинг қилган иши учун натура ҳақи тўлаш, контрактация ва закупка планини чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига бажаришга қарор қилдилар.

Колхознинг паррандачилик фермасида тухум қиладиган товуқлар, гўшт учун ўрдаклар ўрчитилади. Майда қора молларнинг структураси бирмунча ўзгаради; ургочи моллар сони кўпайтирилади ва ахта қўйлар сони камайтирилади.

— МТС зонасидаги 12 колхознинг ҳаммасида, — деди ўртоқ Иванов ўз суҳбатининг охирида, — ана шундай планлар ишлаб чиқилди. Бу планларнинг муваффақиятли амалга оширилиши шу йилдаёқ бутун зона бўйича қишлоқ хўжалик экинлари экилаётган ҳар юз гектар ерга сут етиштиришни икки—уч баравар, гўшт етиштиришни икки—уч центнер, жун етиштиришни 25—30 килограмм кўпайтириш имкониятини беради.

Экин майдонларида техника ва сабзавот экинларининг солмоғи ўсганлиги, янги тормоқлар ташкил қилинганлиги, жамоат хўжалиги кенг механизация қилинганлиги ва электрлаштирилганлиги натижасида Самарқанд МТСи зонасидаги Каганович номли, Пушкин номли ва бошқа колхозларда ҳам меҳнатдан фойдаланиш мавсуми узайди. (ЎзТАГ).

Давлатга қоракўл тери топширилабошланди

ҚАРШИ. (ЎзТАГ). Қашқадар'ё областининг колхозларида қоракўл қўйлар ялпи кўзилайбошлади. Ҳамма жойда қўйларнинг кўп кўзи олинмоқда. Областининг илғор колхозлари давлатга қоракўл тери топширишга киришдилар. Қарши районидаги Сталин номли колхознинг чорвадорлари тайёрлаш пунктига 300 дан кўпроқ қоракўл тери келтириб топширдилар. Қоракўл терининг кўп процента биринчи сортга қабул қилинди.

Маҳаллий саноат тормоқларини янада кенгайтирамиз

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан партия ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган жуда катта тадбирлар колхоз хўжалигининг янада юксалишини та'мин..амоқда. Колхоз тузуми туфайли қишлоқларимиз обод ва кўркам бўлмоқда. Кейинги йиллар ичида райондаги колхозларда кўплаб жамоат бинолари қурилди. Колхозчилар янги типда қурилган уйларда яшамоқдалар. Ўрта-бўз ерларида, Ангор қишлоғида янгидан колхоз посёлкалари бун'ёдга келди. Бу ерларда кўркам қилиб қурилган уй-жой, маданий-оқартув муассасалари бинолари қад кўтарди.

Район маҳаллий саноат комбинатининг коллективи шу қурилишларни зарур бўлган бинокорлик материаллари блан та'минлашдек муҳим вазифани бажармоқда. Ўтган 1954 йил ишлабчиқариш якуни коллективимиз ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашиб, яхши натижаларга эришганлигини кўрсатади. Илғор цехларимиз белгиланган ишлабчиқариш планларини муддатидан анча илгари бажаришга эришдилар. Ўтган йил давомида комбинат янги цехлар очиш ҳисобига кенгайди. Натижада қурилиш материаллари янада кўплаб ишлаб чиқарилабошланди.

1954 йилнинг иккинчи ярмида янгидан қурилган гишт заводи колхозлардаги қурилишлар учун гишт етказиб бериш юзасидан берилган топшириқни ошириб бажарди. Ўртоқ А. Г. Федотов бошлиқ бу заводнинг ишчилари маҳсулот чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун курашдилар. Заводнинг фармовшиги В. Г. Беляев, гишт пиширучи мастер В. М. Картаев, гишт таҳловчи В. Иванов ўртоқлар ўз иш малакаларини ошириб, смена топшириқларини доимо ортиғи блан бажармоқдалар. Гишт пиширучи мастер ўртоқ А. Моторина ўз ихтисосини яхши эгаллаб олган. У, гишт пиширишни технологиясини такомиллаштириб, маҳсулот таннархини камайтирди. Завод коллективи йиллик планни 137 процент қилиб бажарди.

Заводда гишт чиқаришни янада кенгайтириш учун катта имкониятлар бор. Шуни ҳисобга олиб, 1955 йилда гишт пиширишни ва тайёрлашни бутунлай механизацияга кўчиришга киришмоқдамиз. Завод янада кенгайтирилади, янги машиналар ўрнатилади. Унинг ёнида алоҳида ошхона биноси қурилади. Шунингдек, ишчилар учун уй-жой бинолари қуриш планлаштирилади. 1955 йилда завод коллективи қурилишлар учун 2 миллион дона гишт етказиб бериш мажбуриятини олган.

Комбинатнинг алоҳида ёғоч қирқиш ва ҳунармандчилик ишхонаси бор. Бу цех колхозлар учун янги асбоб-ускуналар тайёрлаш юзасидан белгиланган топшириқларни ошириб бажарди. Колхоз қурилишлари учун 350 минг сўмликдан ошиқ дурадгорлик асбоблари тайёрлаб берди.

Колхозларимизда чорва фермалари учун кўплаб янги типда бинолар қурилмоқда. Ёғоч қирқиш цехи бу қурилишлар учун кўплаб материаллар етказиб бераётир. Цехнинг илғор ишчиларидан мастер ўртоқ Исмат Мустафоев квартал топшириқларини 180 — 200 процентга етказиб бажармоқда. Йил давомида ўз мажбуриятини ошириб бажариб, пландан ошиқча маҳсулот топширди.

Комбинатнинг оҳак пиширишзаводи ҳам йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Оҳак пишириш заводининг коллективи бу йил ўтган йилга нисбатан икки баравар кўп маҳсулот етиштириш учун курашмоқда.

Коллективимиз 1955 йилда ўз зиммасига катта мажбуриятлар олди. Комбинат цехлари янада кенгайиши ва янги яхши машиналар блан ускуналаниши керак. Пахта тозалаш заводида янгидан 3 та машина ўрнатилди. Г[illegible] блан ишлаб чиқариладиган маҳсулот 1,5 ҳисса ошади. Оҳак заводи эса бу йил 1000 тонна оҳак ишлаб чиқаради. Шунингдек ёғоч ишлаш цехи ва гишт пиширишзаводи ҳам кенгайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш 1,5 — 2 ҳисса оширилади.

Комбинатнинг аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган тормоқлари ҳам бор. Этикдўзлик ва тикучилик цехлари колхозчиларга яхши хизмат кўрсатиш учун кенгайтирилмоқда. Шунингдек, якка буюртмалар тикиш цехи ташкил қилинади.

Коллективимиз 1955 йилнинг иккинчи ойлик топшириғини муддатидан илгари бажарди ва пландан ташқари кўп миқдорда маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқарди. Биз маҳаллий саноат комбинати тормоқларини янада ривожлантириш блан, ички резервлардан тўла фойдаланиб, колхоз қурилишларига юқори сифатли бинокорлик материалларини кўплаб етказиб берамиз.

Х. АСАТУЛЛАЕВ,
Ўртачирчиқ райпромкомбинатининг директори.

Пахтакорларнинг меҳнатини енгиллаштирадиган янги техника

Бу йил Ўзбекистонда пахта қабул қилиб олинадиган пунктларда биринчи марта 95 та қуритиш — тозалаш цехи ташкил этилади. Бу тадбир юзларча колхозларнинг а'золарига пахтани дастлабки қуритиш ва тозалашдаги кўп меҳнат талаб қиладиган ишдан озод қилиш имкониятини беради.

Янги цехларни тегишли ускуналар блан та'минлаш учун «Ташхлопкамаш» заводи мукаммал техника тайёрламоқда. Республиканинг тайёрлаш пунктларига пахтани чўп-хасдан тозалайдиган машиналарнинг биринчи партияси жўнатилди. Бу машиналарни Бутуниттифоқ пахта саноати марказий илмий-текшириш институти тайёрлаб берган. Ҳарбир машина бир суткада 200 тонна чигитли пахтани чўп-хасдан тозалаб беради. Завод Тожикистон ССР Фанлар академиясининг ходими ўртоқ Лавриненко яратган ва пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси мукаммаллаштирган барабанли сушилжаларни ишлаб чиқарабошлади. Бу агрегат бир суткада 120 тонна пахтани тозалаб беради, бу—колхозлардаги оддий сушилка тайёрлаб берганидан 12 баравар кўпдир. (ЎзТАГ).

Фарғона водисида минерал сув

ФАРҒОНА, 14 март. (ЎзТАГ). Ўзбекистон гидрогеология экспедициясининг қидириш партияси Ванновская станцияси яқинида янги шифоли булоқ очди. 3500 метр чуқурликдаги қудуқдан ер устига тўхтовсиз равишда иссиқ минерал сув чиқиб туради. Бу минерал сувнинг физик ва химик хусусиятлари ошқозон — ичак касалликларини ва бошқа касалликларни даволаш вақтида яхши натижалар берган Тошкент минерал сувидан қолишмайди.

Қидириш партиясининг бошлиғи, геология-минерал фанлари кандидати Б. А. Бедер ЎзТАГ мухбири блан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Фарғона водиси курортлар очилиши учун катта имкониятларга эга. Кейинги йилларда буерда шифоли 23 булоқ аниқланди ва ўрганилди. Водининг ёрстида Сочи-Мацеста ва Цхалтубодаги сувлар типидаги гугиртли водород сувларнинг, шунингдек Кисловодск ва Ессентуки нарзани типидаги углекислий сувларнинг катта запаслари борлиги аниқланди. Кўпгина булоқлар гўзал манзарали ва яхши иқлимли тоғли районларда, шифоли лойлари кўп бўлган тузли кўллар яқинида жойлашган.

Пилла қуртлари очирилабошланди

ТЕРМИЗ, 15 март. (ЎзТАГ). Термиз, Жарқўрғон, Ангор, Шеробод районларининг колхозларида пилла қуртлари бултиргига қараганда ўн кун илгари очирилабошланди. Самарқанд ва Бухоро қурт уруғи заводларидан юқори ҳосилли гибрид новли қурт уруғлари олинди.

Наманган область Уйчи районидаги колхозлар дала ишларини қизитиб юбордилар. Ўнлаб тракторлар ерларни чигит экишга тайёрлаш, участкаларни текислаш, бороналаш ва бошқа ишларда ишламоқдалар. **Суратда:** Сталин номли колхозда беданоя бороналанмоқда.

Е. Корниенко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

„Свободний труд“ колхозининг ривожланиш перспективалари

Колхозчилар КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорини бажариш тадбирларини ишлаб чиқмоқдалар

☆ ☆ ☆

Ҳозирги вақтда мамлакат колхозларида ва совхозларида КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарори асосида яқин беш — олти йил ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Бу муҳим, кечиктириб бўлмайдиган ишга партия ва совет ходимлари, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари, зоотехниклар, инженер-механизаторлар, бинокорлар, колхоз қишлоғининг кенг активи қатнашмоқда.

Белгород область, Борисов районидаги «Свободний труд» колхози правлениесининг а'золари ва активлари билан биргаликда қишлоқ хўжалик мутахассисларининг бир группаси яқинда қишлоқ хўжалик артелининг жамоат хўжалигини, ҳартомонлама ривожлантиришнинг перспектив планини ишлаб чиқди.

Тузилган план қишлоқ хўжалик артели а'золарининг умумий йиғилишида кўриб чиқилди ва тасдиқланди. «Свободний труд» колхозининг тадбирлари Борисов район партия комитети ва район ижроия комитети томонидан ҳам ма'кулланди.

Колхоз дон, гўшт, сут, ёғ, жун, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни қандай йўллар билан ва қандай манба'лар ҳисобига кўпайтириши тўғрисидаги материллар қуйида э'лон қилинади.

☆ ☆

1. Ишга ижодий қараш

Березовка қишлоғи жар бўйлаб ўн икки километрга чўзилиб кетган. Бу қишлоқ икки буюк қардош республиканинг—Россия Федерацияси билан Совет Украинасининг чегарасида жойлашган. Қўшни украина қишлоқларида бўлгани каби рус қишлоғи бўлган Березовкада ҳам қўриқ ерлар, яланг ўтлоқлар ва яйловлар йўқ. Сибирь ёки Қозоғистонда, Кубань ёки Поволжьеда бўлгани каби бу жойда ер кўп эмас.

Бу қишлоқ ерларида экинзорларни кенгайтириш имконияти йўқ. Ҳамма ерлар кўп асрлардан бери экилиб келмоқда.

... Бундан икки йил олдин «Свободний труд» колхозига Борисово МТСининг бош агрономи Иван Иванович Веприк раис қилиб сайланган эди. Ёш, сергайрат ва серфикр раҳбар колхоз ишларини равон йўлга солиб юборди. У раис бўлмасдан олдин ҳарбир сигирдан соғиб олинадиган сут 600 литрдан ошмас эди. Соғин сигирларгина қаровсиз бўлиб қолмасдан, чўчқалар, қўйларнинг маҳсулдорлиги ҳам пасайиб кетган эди. Далачиликдан келадиган даромад ҳам оз эди. Оғилхоналар, складлар қуриш тўғрисида бу колхозда оғиз ҳам очилмас эди.

Янги раис деҳқонлар, чорвадорлар, колхозчи коммунистлар билан маслаҳатлашиб, кўпроқ ҳосил берадиган маккажўхори, суданка, илдизмева экинларини, картошкани ем-хашак алмашлаб экишга киритишга қарор қилди. Чорва молларга яхши озиқ берила бошлагандан кейин биринчи йилиёқ уларнинг маҳсулотлари икки баравар кўпайди. Қўйлардан кўп жун қириб олинадиган бўлиб қолди. бўрдокига боқилаётган чўчқалар тезроқ семира бошлади. парранда-чилик фермалари кенгайтирилди. Чорвачиликдан ва далачиликдан олинаётган даромад кўпайди.

«Свободний труд» колхози энди ўрта даражадаги колхозлар қаторига кирди. Бошқа минглаб ўзига ўхшаган колхозлар сингари «Свободний труд» колхози ҳам КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорига амал қилиб, яқин йиллар ичида жамоат хўжалигининг ҳамма тармоқларини қат'ий равишда юксалтирмоқ, илғорлар қаторига ўтиб олмоқ учун резервлар қидирмоқда.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори партия ташкилотида ҳартомонлама ўрганиб чиқилгандан кейин, коммунистлар артель хўжалигини ривожлантириш масаласини синчиклаб муҳокама қилмоқ учун бригадаларга ва фермаларга бордилар. Ҳамма колхоз ишлабчиқаришини ривожлантиришнинг перспектив планини тузишга дарҳол киришиш керак деган фикрга келди. Шу мақсад билан колхоз правлениеси ўз активларининг йиғилишини чақирди ва бу йиғилишга райондан тажрибали мутахассислар таклиф этилди. Колхоз правлениеси жойлашган бино бирнеча кун қишлоқда энг гавжум жой бўлиб қолди. Сут соғучилар, мол боқучилар, далачилар, бинокорлар маслаҳат бермоқ, жамоат хўжалигини янада юксалтириш вазифасини қандай қилиб яхши ва тез ҳал қилиш тўғрисида колхоз правлениесига ўз фикрларини айтмоқ учун шу жойга келабердилар.

Борисово МТСининг бош зоотехниги Нина Евсеевна Кретинина чорвачилик бригадирлари П. А. Лутай ва П. А. Винник билан биргаликда, сигирлардан олинадиган сутни яқин йиллар ичида икки баравар, гўшт, жун, тухум етиштиришни, уч баравар кўпайтириш учун қанча дон, силос, илдиз мева, кўкат озуқалар кераклигини ҳисоблаб чиқишдилар.

Инженер — механизаторлар ва бинокорлар Ф. И. Алексеенко, И. К. Чистилин, Ф. Д. Куликовский, старший инструктор бухгалтер А. И. Резанов бир тўда колхоз активлари билан биргалашиб, ишлабчиқариш ва маданий-маиший бинолар қуриш, чорвачиликда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни механизациялаш проектларини тузмоқдалар.

Улар ҳарбир рақамни пухта ўйлаб, колхозни янада ривожлантириш планининг ҳарбир моддасини муҳокама қилмоқдалар. Мана шуларга пухта ўйлаш натижасида белгиланган кўрсаткичлар умумий йиғилиш муҳокамасига қўйилди. Биз қуйида шу кўрсаткичларни келтирамиз:

	1954 йилда	1955 йилда	1960 йилда
Дон экинларининг ҳар гектаридан олинадиган ҳосил (центнер ҳисобида)	9,8	16	21
Ер майдонларининг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда етиштириладиган сутнинг миқдори (центнер ҳисобида)	38	80	280
Ер майдонларининг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда етиштириладиган гўштнинг миқдори (центнер ҳисобида)	17	20	33,8
Ҳарбир қўйдан қириб олинадиган жуннинг миқдори (килограмм ҳисобида)	2,2	2,5	3,6
Дон экинларининг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда етиштириладиган тухумнинг миқдори	4.533	9.333	25.600

Колхоз мўлжалланган планни муваффақиятли амалга ошириш натижасида давлатга галла, гўшт, сут, жун, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топ-ширишни анча кўпайтириш имкониятига эга бўлади. Хўш, бунинг учун колхознинг қандай маблағлари, резервлари ва имкониятлари бор?

2. Дон хўжалигининг резервлари

Бошқа ҳамма колхозлар сингари «Свободний труд» колхозига ҳам ҳарбир экиннинг экиш плани юз йиллардан бери юқоридан берилар эди.

Баҳори бугдой Белгород колхозларининг ерларида ва шу областьга қўшни бўлган украин колхозларининг ерларида яхши унмаслиги ва колхозчиларнинг галлага бўлган эҳтиёжини кўпинча тўлиқ та'минламаслиги практикада кўп вақтдан бери кўрилиб келаётган бир нарсадир. Аммо кузги бугдой бу ерларда ҳар йил албатта яхши ҳосил беради. Шундай бўлса ҳам кам ҳосил баҳори бугдой ўрнига кузги бугдой экишга ҳеч ким жур'ат қилмас эди, чунки бунлай қилинса юқоридан берилган планни бузиш бўлади деб ҳисобланар эди. Энди колхозга ташаббус ва ижодий бурсатиқи, кузги галлага қараганда камҳосилроқ бўлгани учун арпа экиладиган ер камайтирилади. Бундан ташқари колхоз ем-хашак етиштириладиган алмашлаб экиш ерларида маккажўхори экишга ва шудгор қилиб қўйилган ерларнинг бир қисмига ҳам маккажўхори экишга қарор қилди. Илғорларнинг тажрибалари шуни кўрсатдики, кузги галлага қараганда ҳам шудгор ерларда маккажўхори экиб уни ҳумбиллигида ўриб-йиғиб олиш мумкин. Бунинг натижасида колхоз силос қилмоқ учун маккажўхори сўталарини ҳумбиллигида на унинг поясини қуритмай йиғиштириб олиб концентратлаштирилган озуқани кўпайтириш имкониятига эга бўлади.

Шундай қилиб, колхоз маккажўхорини кўпроқ экиш билан ўзининг дон хўжалигини анча мустаҳкамлаб олади. Маккажўхорининг ҳар гектаридан планда кўрсатилганидек 30 центнердан ҳосил олинган тақдирда ҳам, маккажўхорининг ялпи ҳосили ҳар йил саккиз-ўн минг центнерни ташкил қилади.

Баҳори галлани камайтириш ҳисобига кузги галла экишни кенгайтириш. Ўримйиғим даврида нобудгарчиликни камайтириш, кам ҳосил галла экиш, маккажўхорини алмаштириб экишга киритиш натижасида колхоз яқин икки йил ичида дон экинларининг 1954 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайтириш имкониятига эга бўлади. Бундан буён экинларнинг ҳосилини ошириш йўли билан донинг ялпи ҳосили кўпайтирилаберади. 1960 йилда колхоз ҳар гектардан олинадиган ўртача ҳосилни 21 центнерга етказишни планлаштирмоқда.

Колхоз илғорлар тажрибасини ва агрономия фани муваффақиятларини жорий қилиш асосида деҳқончилик маданиятини оширишнинг катта программасини ишлаб чиқди. Кузги галла. Масалан, илгари экиб олинган энг яхши ерларга экилади ва унинг ҳар гектарига 15 тоннадан органик ўғит ва 4 центнердан минерал ўғит солинади. Бошоқли экинларни қатор ораларини торайтириб ва кўндаланг экиш, маккажўхорини квадрат-уялаб экиш, сортли сара уруғликларни экиш, экинларни ўғитлар билан озиқлантириш, сун'ий равишда чанглатиш, ерни ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ишлаш ва шулар сингари кўпгина илғор усуллар кенг равишда жорий қилинади.

Техника экинларни ва сабзавот экинларининг ҳосилдорлигини ошириш тадбирлари ҳам ишлаб чиқилди. Масалан, қанд лавлагининг ҳар гектаридан олинадиган ҳосил бу йил 220 центнер бўлса, 1960 йилда 300 центнерга етказилади. Картошканинг ҳосили 120 центнердан 1960 йилда 170 центнерга етказилади.

...Илгари кўп вақт шундай бўлар эди: ўрим-йиғим пайти келганда колхозчилар олтиндек сап-сариғ бўлиб пишиб ётган бугдой ҳосилини кўриб жуда қуванар эдилар. Комбайнчи мана шу бугдойзорга кириб комбайнни бир марта, ба'зан эса икки ва ҳатто уч марта айланириб ўриб чиққанидан кейин унинг бункеридаги галлани бўшатар эди. Бир гектар ердаги бугдой ўрилганида 20—25 центнер ҳосил чиқар эди. Шу тарзда орадан ўн, йигирма, ба'зан ўттиз кун ўтиб кетгач, комбайнчининг бункердаги галлани бўшатиш учун агрегатни тўхтатиши камдан-кам бўлар эди. Ўрим-йиғим бошланганида 20—25 центнердан дон олинган даланинг ўзидан ўрим-йиғим кечикиб кеттанлиги натижасида аранг 7—8 центнердан ҳосил чиқар эди. Борисов районининг колхозчилари эса ўтган йил механизаторлар бугдойзор орасида 50 кунгача «уймалашиб» юрганлигини ҳали ҳам афсусланиб гапирадилар, пишган галлани ўриб-йиғиб олишга роса 50 кун овора бўлгандан кейин чиқадиган ҳосил қандай бўлиши ма'лумку ахир!

«Свободний труд» колхози дон экинлари ҳосилини ўн кун ичида ўриб-йиғиб олишни планлаштирди.

3. Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш

Жар тепасида туриб Березовка қишлоғига қарасангиз бу қишлоқ янги ҳайлаб қўйилган ерга жойлашганга ўхшаб кўринади. Ҳайдаб қўйилган ерлар қишлоқдаги уйларга, чорвачилик фермаларига, правление жойлашган бинога келиб туташган. Ҳатто колхоз клубининг олдидаги ерлар ҳам ҳайлаб қўйилган. Колхознинг бутун ер фонди нуқул экинзорлан иборат. Колхозда на ўтлоқ, на яйлов, на ўрмонзор бор.

Шунинг учун ҳам умумий йиғилишда перспектив планни тасдиқлаш тўғрисида сўз борганида колхозчилар ем-хашак проблемаси устида ҳамма нарсадан кўпроқ бош қотиришди. 2 мингдан кўпроқ молни боқиш осонми? Шунчалик кўп чорва молини боқишдан хабардор бўлган киши буни яхши билади! Чорва молларни боқишгина эмас, улардан мумкин қадар кўпроқ маҳсулот ҳам олиш керак.



Колхоз раиси жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш йўллари тўғрисида ўз докладида муфассал гапирди.

— Беш йилдан кейин,— деди у,— биз ҳар 100 гектар ерга ҳисоблаганда 280 центнердан сут олишимиз лозим. Бу вазифани уддалашга қурбимиз етадими? Ҳа, бемалол етади. Сизларга ма'лумки, ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда ҳозирги вақтда бизда фақат бешталан соғин сигир бор, аммо биз буларнинг сонини камида 10 тага етказишимиз керак. Хўш, бунинг учун қандай имкониятларимиз бор. Биз ғунажинларни соғин сигирларга айлантирамиз, чунки бизда ғунажинлар кўп. Демак, сигир сотиб олишга пул сарф қилмаслан, маҳсулдор сигирларнинг сонини 1960 йилгача 330 тага етказамиз. Шу билан бир қаторда колхоз ҳарбир сигирдан соғиб олинадиган сутнинг миқдорини кўпайтириб, 3000 килограммга етказиши лозим.

Колхоз гўшт, жун, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида ҳам катта программа тузиб чиқди. 100 гектар ерга ҳисоблаганда гўшт етиштиришни, масалан, 1954 йилдаги 17 центнердан 1960 йилда 33,8 центнерга, ҳарбир қўйдан қириб олинадиган жунни 2,2 килограммдан 3,6 килограммга етказишимиз, тухум қиладиган ҳарбир товуқдан йилига 80 та тухум ўрнига 120 та тухум олишга эришмоғимиз лозим. Чўчқаларни боқиб семиртиришни жуда кўпайтирамиз. Бу йил колхоз 200 та чўчқани боқувга қўяди, боқувга қўйиладиган чўчқаларнинг сони 1956 йилда 260 тага, 1960 йилда эса 400 тага етказилади. Давлатга топширилаётган ҳарбир чўчқанинг ўртача оғирлиги 120 килограммдан 150 килограммга етказилади. Колхоз етиштириб бераётган гўштнинг 53 процента чўчқа гўшти бўлади. Бу йил колхоз чорвачиликдан камида 500 минг сўм даромад олади, 1960 йилда эса бу даромад 1,5 миллион сўмга етказилади.

Колхоз маккажўхори экишни кенгайтиришга қарор қилганлиги юқорида айтиб ўтилган эди. Умумий йиғилиш бу серҳосил экиннинг 80 гектарини думбиллигида ўриб-йиғиб олишга қарор қилди. Сўталар алоҳида ва маккажўхори поялари алоҳида майдаланиб, айрим-айрим силос қилиб қўйилади. Шу тарзда чўчқалар ва парранда-лар учун бирнеча минг центнер концентрат озуқа тайёрланади ва ҳарбир соғин сигир учун 6 тоннага яқин жуда яхши тўқ тутадиган маккажўхори силоси тайёрланади.

«Свободний труд» колхозида экилаётган ем-хашак экинлари орасида бир йиллик ўсимликларга катта ўрин берилади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, Борисов райони шароитида суданка ўти энг кўп ҳосил беради. Бир йиллик бошқа ўтлар билан таққослаганда суданканинг бирқанча афзалликлари бор. Суданка яхши ўсганлиги учун уни ёз мавсумида икки-уч марта ўриб олса бўлади, кейин эса суданканинг кўрпасига молларни ёйиб боқиш мумкин. Суданка дони ва уни қайта ишлашдан ҳосил бўладиган маҳсулот чўчқалар ва парранда-лар учун жуда яхши озуқа бўлади. Колхознинг ем-хашак алмашлаб экишида 80 гектардан кўпроқ ерга суданка экилади.

Бу колхозда хашаки илдизмевалар, хашаки ковоқ ва тарвузлар кейинги йилларгача нуқул чўчқаларга берилиб келди. Энди-ликда бу экинлар экиладиган майдон анча кенгайтирилади. Бу эса соғин сигирлар учун етарли миқдорда ширали озуқа тайёрлаб бериш имкониятини туғдиради. Қанд заводларининг чиқитлари мол озуқалари запасини тўлдириш учун муҳим резервдир. «Свободний труд» колхози ҳар йил 300 гектар ерга қанд лавлаги экади. Ма'лумки, халқ хўжалиги учун жуда қимматли бўлган бу экин колхознинг пул даромадини кўпайтиришгина қолмаслан, унинг ем-хашак базасини ҳам мустаҳкамлайди. Шуни айтиб ўтиш керакки, «Свободний труд» колхози ўтган йил 17 минг центнер лавлаги турпи олди. Бу эса ҳарбир соғин сигирга 6—7 тоннадан тўғри келади. Бундай яхши озуқа билан соғин сигирлар сонини тез кўпайтириш ва уларни маҳсулдор қилиш мумкин.

Бу йил «Свободний труд» колхози лавлаги турпидан фойдаланишга алоҳида э'тибор беради. Қанд лавлагининг бундан бошқа фазилатлари ҳам бор. Унинг барги яхши силос бўлади. Колхоз олти минг центнер лавлаги баргини бу йил силос қилишни мўлжаллаб турипти. 1960 йилда эса 12 минг центнер лавлаги баргини силос қилиниди. Бунинг натижасида колхознинг ем-хашак базаси қуйидагича кўпайтирилади. Шу йилнинг ўзидаёқ ҳарбир сигир учун 22 центнер дагал хашак, 80 центнер ширали хашак, 75 центнер кўкат, 5 центнер концентратлаштирилган озуқа тайёрлаб қўйилади.

Мана шунинг ўзидан ҳам Белгород областидаги бошқа кўпгина районлар сингари Борисов районидаги колхозлар табиий яйловлари бўлмаса ҳам жамоат чорва молларини ем-хашак билан тўла-тўкис та'минлаш имкониятига эга эканликлари кўриниб турипти. Жамоат чорва молларинигина эмас, ҳатто колхозчиларнинг чорва молларини ҳам колхозлар ем-хашак билан та'минлашлари лозим. Бунинг учун колхозлар колхозчиларнинг меҳнат кунларига етарли миқдорда ем-хашак бериб туриш имконияти туғилади.

Пиғиниша раислан:

— Меҳнат кунига қанчадан пул ва галла беришни планлаштиринг-ми? — деб сўраши.



— Меҳнат куни тўғрисида ҳам галириб ўтаман,— деб жавоб берди колхоз раиси. — 1954 йил қанчалик қийин йил бўлганлиги сизларга ма'лум. Шундай бўлса-ҳам биз колхозчиларнинг галла ва бошқа маҳсулотлар билан та'минладик. Бу йил ҳар бир меҳнат кунига 3 килограммдан дон ва 4,5 сўмдан пул беришни планлаштирдик. 1960 йилда меҳнат кунига натура билан ва пул билан тўланадиган ҳақ икки баравар кўпаяди.

4. Қурилиш программаси

Бундан икки-уч йил аввал колхоз правлениесидан сал нариқдаги тепаликда томи похол билан ёпилган кичик-кичик эски молхоналар кўзга ташланар эди. Бу молхоналарнинг четандан ясалган ва бир вақтлар лой билан суваб қўйилган деворлари бузилиб кетиб, уларнинг ичидан изгирин шамол ўтиб турарди.

Колхознинг илгариги раҳбарлари ўзларининг нотўғриликларини оқлаш учун:

— Бунинг ижозини қандай қилиб топиб бўлади?! Яқинимизда ўрмон йўқ, девор учун тош олдиган жойларимиз ҳам йўқ, тонганимиз тупроқ билан лой, аммо лойдан қилинган девор чидамайпти, деб айтишар эди.

Афсуски, областьдаги барча колхозларнинг раҳбарлари ҳозир ҳам шундан бошқа важ топмаётирлар. Дуруст, бу ердаги колхозлар қурилиш ишларида кўп қийналадилар. Лекин астойдил ҳаракат қилинса ва бош қотирилса, бу қийинчиликларни бемалол енгиш мумкин. «Свободний труд» колхози эски молхоналар ўрнига янги кенг ва ёруғ молхоналар қуриб олди. Бу молхоналарни қуриш учун шлак-бетон материаллар ишлатилди. Демак ҳамма гап одамларда, уларнинг ижодий ташаббусидадир.

Колхознинг янги раиси партия активлари, колхозчи чорвадорлар ва бинокорлар билан маслаҳатлашиб, чорвачилик биноларининг ҳаммасини қайта қуриш вазифасини ўз олдига қўйди. Хўш, улар ишни нималан бошладилар? Колхоз яқинидаги станцияда қурилиш учун энг яхши материал бўлган шлак неча йиллардан бери тоғ бўлиб уйилиб ётар эди. Коммунистлар шу материалдан қурилишда фойдаланиш масаласини биринчи бўлиб кўтариб чиқишлар.

Станцияга машиналар, аравалар серқатнов бўлиб қолди. Ёз фаслининг ўзидагина учта чорвачилик биносига етарлик шлак тайёрланди. Бундан ташқари цемент ва шифер ҳам топилди. Шундан кейин кузда қурилишни бошлаб юборишлар. Бу ишга колхозлаги усталарнинг ҳаммаси — ёшлар ҳам, қариялар ҳам, ҳатто ўрта ёшдагилар ҳам иштирок этишдилар. Ҳар бир ишчи ўз ишини ўзи ўйлаб топиб, ишни тез ва сифатли бажаришга ҳаракат қилиб, ишлаётган эди. Ҳатто ўрта ёшдагилар ҳам ишлаётган эдилар. Ҳатто ўрта ёшдагилар ҳам ишлаётган эдилар. Ҳатто ўрта ёшдагилар ҳам ишлаётган эдилар.

Ҳозирги вақтда колхозчилар маккажўхорини қандай қилиб яхшилаб экиб олиш, биринчи йилиёқ катта-катта майдонларга экилган маккажўхоридан мўл ҳосил олиш учун бу экинни қандай қилиб парвариш қилиш устида бош қотирмоқдалар. Борисов район партия комитетининг секретари Николай Иванович Панченко яқинда қўшни район бўлган Украинадаги Золочевский район партия комитетининг секретари Илья Авдеевич Буянский олдига бориб келди. Улар бирбирлари билан тез-тез учрашиб турадилар. Бу сафар ўртоқ Панченко Золочевский колхозларининг маккажўхори ва қанд лавлаги етиштиришдаги илғор тажрибаларини муфассал сурштириб билиб олди. Золочевский колхозлари ўз муваффақиятларини бажонидил тушунтириб бериш билан бирга, ўзларининг қўшниларига йигирма тонна маккажўхори уруғи беришга ҳам ва'да қилдилар.

Бугун райком секретари «Свободний труд» колхозига келган. Қишлоқ коммунистлари, звено бошлиқлари, лавлагикорлар унинг теварагида тўпланишиб қизғин суҳбатлашмоқдалар.

— Маккажўхорини ҳамма ерга квадрат-уялаб экамиз,—дейди ўртоқ Панченко.—Қанд лавлагини, сабзавот экинларини ҳам янги усулда экамиз.

Кўклам яқинлашиб қолган шу кунларда ҳамма колхозларда мана шундай амалий суҳбатлар бўлмоқда. Районнинг партия ва совет органлари, МТС ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари колхозларга йиллик ва перспектива планлари тузишда ёрдамлашмоқдалар, колхоз бошлиқларига агротехниканинг янги, илғор усулларини айтиб бермоқдалар, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни бажаришга оммани safарбар этмоқдалар.

Экин ерларининг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда 300—500 центнердан, ба'зи жойларда эса 800 ва 1000 центнердан сут, 40—50 центнер ва ундан ҳам кўпроқ гўшт бераётган, қўйчиликни, парранда-чиликни муваффақиятли равишда ривожлантираётган, кўпмиллион сўмлаб даромад олаётган илғор колхозлар бизда оз эмас. Бундай колхозлар ўрнак бўлмоқдалар, бошқалар уларга тенглашмоқда, улардан ўрганмоқда.

«Свободний труд» ва шу сингари минглаб ўртача колхозлар КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорига муваффақ ўзлари тузган перспектив планларини амалга оширсалар, мамлакатимиз меҳнаткашларни та'минлаш учун керак бўлган миқдорда маҳсулот олдирган бўлиб қолади.

5. Илғорларга тенглашиш

Дала ишлари бошланадиган пайт яқинлашиб қолди. Кўклам яқинлашгани сари колхоз қишлоғида иш кунидан-кунга қизғинлашаберади.

Оғилхоналардан гўнг ортиб чиқаётган аравалар далаларга жўнамоқда, юк машиналари фосфорит унини олиб келиш учун станцияга қатнамоқда. Кубаньдан маккажўхори уруғлиги юборилганлиги тўғрисида хабар келди. Бу хабар Борисов районидаги ҳамма колхозларга ёйилди, чунки бу йил районда 4 минг гектарча ерга маккажўхори экилади.

Ҳозирги вақтда колхозчилар маккажўхорини қандай қилиб яхшилаб экиб олиш, биринчи йилиёқ катта-катта майдонларга экилган маккажўхоридан мўл ҳосил олиш учун бу экинни қандай қилиб парвариш қилиш устида бош қотирмоқдалар. Борисов район партия комитетининг секретари Николай Иванович Панченко яқинда қўшни район бўлган Украинадаги Золочевский район партия комитетининг секретари Илья Авдеевич Буянский олдига бориб келди. Улар бирбирлари билан тез-тез учрашиб турадилар. Бу сафар ўртоқ Панченко Золочевский колхозларининг маккажўхори ва қанд лавлаги етиштиришдаги илғор тажрибаларини муфассал сурштириб билиб олди. Золочевский колхозлари ўз муваффақиятларини бажонидил тушунтириб бериш билан бирга, ўзларининг қўшниларига йигирма тонна маккажўхори уруғи беришга ҳам ва'да қилдилар.

Бугун райком секретари «Свободний труд» колхозига келган. Қишлоқ коммунистлари, звено бошлиқлари, лавлагикорлар унинг теварагида тўпланишиб қизғин суҳбатлашмоқдалар.

— Маккажўхорини ҳамма ерга квадрат-уялаб экамиз,—дейди ўртоқ Панченко.—Қанд лавлагини, сабзавот экинларини ҳам янги усулда экамиз.

Кўклам яқинлашиб қолган шу кунларда ҳамма колхозларда мана шундай амалий суҳбатлар бўлмоқда. Районнинг партия ва совет органлари, МТС ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари колхозларга йиллик ва перспектива планлари тузишда ёрдамлашмоқдалар, колхоз бошлиқларига агротехниканинг янги, илғор усулларини айтиб бермоқдалар, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни бажаришга оммани safарбар этмоқдалар.

Экин ерларининг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда 300—500 центнердан, ба'зи жойларда эса 800 ва 1000 центнердан сут, 40—50 центнер ва ундан ҳам кўпроқ гўшт бераётган, қўйчиликни, парранда-чиликни муваффақиятли равишда ривожлантираётган, кўпмиллион сўмлаб даромад олаётган илғор колхозлар бизда оз эмас. Бундай колхозлар ўрнак бўлмоқдалар, бошқалар уларга тенглашмоқда, улардан ўрганмоқда.

«Свободний труд» ва шу сингари минглаб ўртача колхозлар КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорига муваффақ ўзлари тузган перспектив планларини амалга оширсалар, мамлакатимиз меҳнаткашларни та'минлаш учун керак бўлган миқдорда маҳсулот олдирган бўлиб қолади.

Н. ВОРОБЬЕВ,
П. АЛЕКСЕЕВ,

Березовка қишлоғи,
Белгород области.
(«ПРАВДА», 14 март).

«Свободний труд» колхозида перспектив планни тузиш вақти. **Суратда** (ўнгдан чапга): агроном **В. Е. Дралкина**, инженер-механик **И. К. Чистилин**, колхоз раиси **И. И. Веприк**, зоотехник **Н. Е. Кретинина**, бухгалтер **А. И. Резанов**, чорвачиликда кўп меҳнат талаб қилинадиган ишларни механизациялаш механиги **Ф. И. Алексеенко**, агроном **А. П. Бибик**, КПСС райкомининг Борисово МТСи зонаси бўйича секретари **Г. С. Беляев**.

Е. Андреев фотоси.

Область қишлоқ хўжалик виставкаси

Суратда: 1. Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозининг бир группа колхозчилари виставкада чигитни тўғрибурчакли шаклда уялаб экадиган «СКГХ—4» сеялкаси билан танишмоқдалар. 2. Виставкага келганларнинг бир группаси чорвачилик павильонида янги тип қўйхона макетини кўраётирлар.

В. Салов фотолари.

Областимиз серунум ерларида енгил саноатимиз учун энг зарур ҳомаш'ё — пахта, каноп, жут каби техника экинлари етиштирилади. Шаҳар атрофидаги колхозлар сабзавот, картошка, мева, узум етиштирадилар. Колхоз-совхозларимиз хўжалигида чорвачилик ҳам салмоқли ўрин тутади.

Қорасув районидаги Свердлов номли колхозда ташкил этилган область қишлоқ хўжалик виставкасида мана шу кўп тармоқли қишлоқ хўжалигининг ютуқларини, илғорларимизнинг пахтадан ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулотларини оширишда эришган катта муваффақиятларини ифодаловчи хилма-хил экспонатлар, диаграммалар кўрсатилган.

... Биноннинг катта зали. Сахнага пахтаси очиқ очилиб ётган гўза туплари қўйилган. Бу залда пахтачиликни ривожлантириш юзасидан партия ва ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган улуғвор программаларни амалга ошириб, юқори ҳосил етиштираётган илғорларнинг муваффақияти кўрсатилган. Буерда пахтачилик билан шуғулланучи колхоз ва совхозларнинг мўл ҳосил етиштиришда ортдирган бой тажрибалари намойиш қилинади.

Октябрь районидаги Каганович номли колхоз пахтакорлари янги, прогрессив агротехникани дадиллик билан амалга ошириб, яхши натижаларга эришдилар. Кўп тармоқли катта хўжалик бўлган бу колхоз йил сайин ўсиб, юксалиб бормоқда. Уста пахтакор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ҳамракул Турсунқулов бошлиқ бу колхоз а'золари пахтачиликни ривожлантиришда жуда катта тажриба ортдирдилар.

1950 йилда колхозда ҳаммаси бўлиб 2314 тонна пахта етиштирилган бўлса, 1954 йилга келиб 6717,7 тонна пахта етиштирилди. Ҳарбир центнер пахта учун сарф қилинган меҳнат кунининг сони 6,6 га камайди.

Колхозда чорвачилик, пиллачилик, бедачилик хўжалиги ҳам ривожланди. Каганович номли колхоз механизациядан унумли фойдалангани учун ҳам ана шу ютуқларни қўлга киритди.

Каганович номли колхозда чигитни тўрқаторлаб квадрат-уялаб экиш бу йил кенг кўламда амалга оширилади. Виставка фондларида прогрессив агротехникани амалга оширишдаги тажрибалар кўрсатилган.

Орджоникидзе районидаги МТС ва шу райондаги колхозлар виставкага ўз ютуқларини кўрсатадиган хилма-хил экспонатлар қўйганлар. Қудратли техника билан қуроллангган МТС коллективи, пахта ҳосилини йил сайин ошириб келмоқда. 1954 йилда район бўйича ҳар гектар ердан 36,5 центнердан пахта топширилди. МТС дала ишлари планини ошириб бажарди. Маленков номли ва «Қизил Ўзбекистон» колхозларининг пахтакорлари ҳар гектар ердан 39,2—38,5 центнердан пахта топширилар. Бу ерда колхознинг хўжалигида чорвачилик, мевачилик ҳам яхши йўлга қўйилган. Виставкага келучилар йириқ хўжаликларнинг ривожланиш йўлларини, пахтачилик соҳасидаги муваффақиятларни равшан кўрадилар.

Залда, Ховос районидаги Карл Маркс номли пахтакор колхознинг муваффақиятларини ифодаловчи ҳужжатларни ҳам кўрамиз. Карл Маркс номли колхоз кейинги йилларда пахтачилик билан шуғулланабошлади. Колхоз 1949 йилда 70 гектар майдонда пахта етиштирган эди. Ўтган йили эса колхознинг пахта майдони 1361 гектарга кенгайди ва гектаридан олинган ҳосил 30 центнерга етди. Бу колхозга Сталин мукофоти лауреати, машҳур соҳибкор Ризаматотанинг миришкор қўли билан яратилган мевазор, узумзор боғлар ҳам бор.

Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли колхознинг гўзани тувакчаларда кўчат қилиб ўтқазиш билан мўл ҳосил етиштиришдаги тажрибалари виставкада алоҳида кўрсатилган. Янги ўзлаштирилган ерларда йил сайин мўл ҳосил етиштираётган бу колхоз а'золари чигитни тўрқаторлаб, квадрат-уялаб экишга кенг кўламда ўтмоқдалар. Пахта етиштиришда меҳнатни кам сарфлаш, механизациядан тўла фойдаланиш натижалари диаграммаларда аниқ кўрсатиб берилган.

Шу райондаги Маленков номли колхоз яқиндагина кам ҳосилли, қолоқ колхозлардан бири ҳисобланар эди. Механизация воситаси билан колхоз хўжалиги тез ривожланди, пахтачиликда катта муваффақиятларга эришилди. Колхозда 1951 йилда ҳар гектар ерда етиштирилган пахта учун 286 меҳнат куни, бир центнер пахта учун 14,7 меҳнат куни сарфланган бўлса, 1954 йили ҳар гектар ерга 200 меҳнат куни, бир центнер пахта учун 8,8 меҳнат куни сарфланган. Экспонатлар меҳнатни ташкил қилишдаги ютуқларни яққол кўрсатиб беради.

Сирдар'ё районидаги «Малик» совхози пахтани машина билан теришда яхши кўрсаткичларга эгадир. Механик-ҳайдовчилардан Шакар Жўратоев мавсумда 118 тонна, Жовид Кучиев 85 тонна пахта териб берилдар. Совхозда 1952 йили машина билан 90 тонна пахта терилган эди. 1954 йилда эса 3047 тонна пахта терилди. Юқори ҳосилли бригадалар 36—37 центнердан пахта етиштирдилар. Совхозда маҳаллий хўжалиги мўл ҳосил олиш учун кўрилган чоралар натижасида чорва фермаларининг ем-хашак та'минoти яхшиланди.

Кўйбишев районидаги Димитров номли колхоз жут, каноп етиштиришда яхши тажриба ортдирган. Бу колхозда 25 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бор. Ўтган йили колхознинг Ким Чен бошлиқ звеносы гектаридан 131,92 центнердан жут ҳосили олди. Колхоз бўйича эса 80 центнердан жут ҳосили етиштирилди. Ўрутлик етиштириш йил сайин кўпаймоқда.

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми жамоат маҳсулот чорвачилигини янада ривожлантириш учун муҳим тадбирлар белгилаб берди. Виставкада илғор сутчилик фермаларининг сигирлари кўлда боқиб, кўплаб сут согиб олишда қўлга киритган ютуқларини кўрсатучи алоҳида бўлим бор. Бунда Янгийўл районидаги Сталин номли, Свердлов номли колхозларнинг, 4-нчи Вревский наслчилик совхозининг чорва молларининг наслини яхшилаш соҳасидаги ютуқлари кўрсатилган. Ҳарбир сигирдан 3500—4500 литр сут согиб олган илғор сут согучиларидан Мусаева, Толмачева, Султонова ва бошқа ўртоқларнинг меҳнат натижаларини кўрсатадиган диаграммалар диққатга сазовордир.

Сабзавот, картошка ва мевачилик билан шуғулланаётган колхозларнинг ютуқларини кўрсатадиган алоҳида стендларда сабзавотдан мўл ҳосил етиштириш соҳасида тажриба ортдирган Қорасув районидаги Ленин номли, Калинин районидаги Вороцилов номли колхозларнинг экспонатлари э'тиборни тортади. Бу колхозларнинг теплица хўжалигида етиштирилган янги сабзавот маҳсулотлари тамошабинларни роят қизиқтирмоқда.

Виставканинг очиқ майдонида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг базаси—янги машиналарнинг намуналари қўйилган. Хилма-хил маркали бу машиналардан областимиз колхоз, совхозлари кенг фойдаланмоқдалар.

Виставкада пиллачилик соҳасида эришилган ютуқларни пропаганда қилаётган алоҳида бўлим ҳам бор. Шунингдек, Сталин номли тўқимачилик комбинатида ишлаб чиқарилаётган ип-газламаларнинг намуналари қўйилган.

Лекин виставкани ташкил қилишда бирмунча камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Пахтачилик агротехникасида сугориш муҳим тадбирдир. Бу соҳада областимиз колхозларида жуда бой тажрибага эга бўлган колхозчиларимиз бор. Лекин бу ҳақдаги ютуқларни акс этдиралиган материаллар виставкада тўла кўрсатилмаган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш соҳасида ҳам етарли материаллар йўқ. Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш институтининг материаллари жуда кам. Фан ютуқларини, илғор тажрибаларни колхоз, совхоз ишлабчиқаришига жорий қилиш соҳасида эришилган муваффақиятлар етарлича баён этилмаган, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси қатнашчиларининг илғор иш методлари кенг пропаганда қилинмаган.

Айрим колхоз ва МТСларнинг стендларида э'тиборсизлик қилинганлиги кўриниб турипти. Октябрь районидаги Киров номли, Ўртасарой районидаги «Полярная звезда», Янгийўл районидаги Ленин номли ва Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли колхозлар томонидан қўйилган материаллар экскурсиячиларни қаноатлантирмайди. «Полярная звезда» колхози учун ажратилган стендда бирнеча портрет ва шоли уруғи намуналаридан бошқа ҳеч нарса йўқ.

МТСлар учун ажратилган жойда Гулистон районидаги 3-нчи МТС ва Ўртачирчиқ районидаги 2-нчи МТС коллективининг ишини кўрсаталиган материаллар жуда паровсизлик билан ишланган. Бу МТСларнинг тажрибалари ҳақида тўлароқ ма'лумотлар кўринмайди.

Виставкадаги яна бир жиддий камчилик, жойларнинг тўғри тақсимланмаганлиги. Орджоникидзе райони учун берилган хона жуда тор бўлганлигидан, бу илғор районнинг муваффақиятлари батафсил баён қилиб берилмаган. Шунингдек, Қорасув районидаги Ленин номли колхоз учун ажратилган жой жуда кичик. Сабзавотчиликда ва мевачиликда катта тажрибаларга эга бўлган бу колхознинг ишларини тўла кўрсатиш учун имкон берилмаган. Чорвачилик фермаларининг иши акс этдирилган экспонатларда Оҳангарон районидаги Каганович номли ва Паркент районидаги «Коммуна» колхозлари чорвадорларининг майнжунли ўй, эчкилар етиштиришдаги катта ютуқлари равшан кўрсатилмаган.

Виставка комитети юқорида баён этилган камчиликларни тезда бартараф қилиши, экспонатларнинг жойланишини тартибга солиши ва область қишлоқ хўжалик виставкасини илғор тажрибаларни оммалаштиручи ҳақиқий мактабга айлантириши керак.

Илғор ғаллакор колхоз нега қолоқ бўлиб қолди?

Паркент районидаги Ленин номли колхоз энг йирик ғаллакор колхозлардан ҳисобланар эди. Бу колхоз кўп йиллар мобайнида мўл ҳосил етиштириб, районда ҳаммадан илгари ғалла тайёрлаш мажбуриятини бажарар ва колхозчиларга меҳнат куни учун кўп миқдорда дон, пул, чорва маҳсулотлари тўлар эди. Бироқ бу колхоз кейинги йилларда ўзининг аввалги шуҳратини йўқотиб қўйди.

Колхозда 1952 йилда 11475 центнер дон ҳосили етиштирилган бўлса, 1954 йилда фақат 4757 центнер ҳосил олинди. Мойли экинларнинг ҳар гектаридан пландаги 6 центнер ўрнига 52 килограммдан ҳосил топширилди. Колхоз 1952 йилда 1200 центнер картошка етиштириши керак эди. Картошка экиш плани бажарилса ҳам, лекин у яхши парвариш қилинмагани учун бори-йўғи 360 центнер картошка олинди. Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш плани ҳам бажарилмай қолди. Натижада колхознинг пул даромади камайди. Агар 1951 йилда 788 минг сўм даромад қилинган бўлса, 1954 йилда 408 минг сўм даромадга эга бўлинди.

Ленин номли колхознинг қолоқ бўлиб қолишининг асосий сабаби шуки, колхоз правленеси, даставвал, унинг раиси ўртоқ Э. Эгамов колхоз ишлабчиқаришини тўғри ташкил этишни уддa қилолмади. Шунинг натижасида колхозда бор резервлар ишга солинмади, меҳнат тўғри уюштирилмади, моддий техника воситаларидан тўғри фойдаланилмади. Айниқса деҳқончиликдаги асосий ишларни энг кўп механизациялаштиришга жуда кам э'тибор берилди. Натижада экин планлари бажарилмай қолди, экинлар ўз вақтида парвариш қилинмади, ҳосилни йиғиб-териш ишлари судралиб кетди.

Ленин номли колхознинг қолоқ бўлиб қолишига Паркент МТСи ва унинг раҳбарлари ҳам жавобгардир. МТС колхоз ишлабчиқаришига яқиндан ёрдам кўрсатмайди. МТС директори Козмадиади бирор марта колхоз ишини текшириб анализ қилмаган ва колхознинг талабларига бюрократларча муносабатда бўлган, колхозда ер ҳайдаш, экишда тракторларнинг нормал ишлаши та'мин этилмаган ва ғалла ўриш иши бир ойлаб кечикиб, ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўйилган.

Колхозда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида колхозчилар барча камчиликларни очиб ташлаб, правление ишларини қаттиқ танқид қилдилар. Йиғилишда колхоз правлениеси ва раиснинг хўжаликка раҳбарлик қилолмасликлари аниқланди. Шунинг учун колхозчилар янги правление ва янги раис сайладилар.

Ҳозир районда Ленин номли колхозни яна илғорларга етказиб олиш ҳақида бирқанча ишлар бўлмоқда, қарорлар чиқарилмоқда. Бироқ МТС кучлари билан Ленин номли колхозда шу кунларда олиб борилаётган иш талабга мутлақо жавоб беролмайди.

Айниқса, КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарори асосида чорва молларини асраши яхшилаш, сигирларни кўлда боқишга кўчириш, баҳори экинлар, шу жумладан маккажўхори экишга тайёрлик ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Ленин номли колхозга ёрдамни кучайтириб, унинг яна илғор колхозлар қаторига ўтиб олишини та'минлаш керак.

Ю. БАҲОДИРОВ.

Ховос район колхозларида чорва молларини боқишни яхшилайлик

Илғор чорвадорлар сут, гўшт ва бошқа чорва маҳсулотларини йилдан-йилга кўпайтиришга муваффақ бўлаётирлар. Бунинг сабаби шуки, улар илғор тажриба ва фан ютуқларини дадиллик билан қўлланиб, пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш асосида чорвачилик маҳсулотларини оширишга эришмоқдалар. Шу йил бошида бўлиб ўтган областимиз чорвадорларининг кенгашида барча колхозларда қора молларни кўлда боқишга кўчириш мажбурияти олинган эди. Бироқ Ховос районидаги колхозларда бу мажбурият бажарилмаётир, илғор колхозларнинг сигирларни кўлда боқишга кўчириш соҳасидаги тажрибаси ёйилмаётир. Аксинча айрим колхоз раҳбарлари жамоат чорвачилигини ривожлантириш ишига мас'улиятсизлик билан қарамоқдалар.

Масалан, Охунбобоев номли колхознинг раиси ўртоқ Маркаев, ферма мудири Зокиров ўртоқлар, «сигирлар озиб қолди, сути камайиб кетди» деган бўлмагур баҳоналар билан оғилга кўчирилган ва бирярим ой кўлда боқилган сигирларни яна яйловга чиқариб юборганлар. Ҳолбуки, бу сигирлар оғилга кўчирилди-ю, лекин яхши боқилмади. Шунда ҳам улар сутини кўпайтирган эди. Маркаев ва Зокиров ўртоқлар ўзларининг бу мас'улиятсизликларини «бизнинг шароитда сигирларни кўлда боқиш қийин» деб ҳас-пўшламоқдалар.

Энгелс номли колхозда (раиси Эрбеков, ферма мудири Султонов) сигирларни кўлда боқиш масаласи ниҳоятда ёмон аҳволда. Молхоналар ифлос, тор. Масалан, бу колхозда 80 га яқин сигир ва бузоқлар тор бинога қамаб қўйилган.

МТСда молларга ем-хашакни ўз вақтида тайёрлаб берадиган ва фермалардаги бошқа ишларда фойдаланиш мумкин бўлган механизация воситалари бор. Бироқ уларни колхозга юбориш, ишлатиш ҳечкимнинг эсига келмайди.

Колхозларда ем-хашакларнинг тўғри сарфланишига мутлақо э'тибор берилмаётир. Молларга ем-хашаклар бузуқ охурларда, нормасиз ва учётсиз берилмоқда. Бу эса ем-хашакнинг кўп қисмининг исроф бўлишига ва оёқ остида қолиб нобуд қилинишига сабаб бўлаётир.

Чорвачилик маҳсулотларини ҳисобга олишда ҳам аниқлик йўқ. Шунинг учун ҳам ҳозир райондаги барча сигирлардан кунига 207 литр сут согиб олинмоқда.

Қора молларни, айниқса сигирларни кўлда боқишга кўчириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга юзаки ва мас'улиятсизлик билан қарашга қат'ий ҳотима бериш керак. Ховос район партия ва совет ташкилотлари колхозларда жамоат чорвачилигини ривожлантириш масалалари билан жиддий шуғулланишлари, мавжуд камчиликларни тезда тугатишлари, хўжаликнинг бу соҳасини ҳам сермаҳсул ва сердаромад тармоққа айлантиришга эришувлари керак.

Ф. ФЕДОРОВ.

Тут кўчатлари кўплаб ўтказилмоқда

Мирзачўл районидаги колхозларда пахтачиликни ривожлантириш билан бирга пиллачиликни юксалтиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Сталин номли колхознинг пиллачилари 18 минг туп тут кўчатларини яхши парвариш қилиб, йилига пилла тайёрлаш планини ортиги билан бажариб келмоқдалар. Бу йил колхоз а'золари 23 минг туп тут кўчати ўтказдилар. Тут кўчатларини ўтказиш ишлари жуда уюшқоқлик билан ўтди. Бу ишга пиллачилик бригадасининг бошлиғи ўртоқ Алимова раҳбарлик қилди.

Райондаги Ленин номли, Каганович номли, Шверник номли колхозларда ҳам тут кўчатларини ўтказиш намунали олиб борилмоқда.

Р. ҲИКМАТОВ.

Такомиллаштирилган ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ҳақида

Ўрта Осиёда кенг тарқалган музыка асбоблари орасида ўзбек халқининг музыка асбоблари ҳам ўзининг ранг-баранглиги, хуш-овозлилиги ва охангдорлиги билан ажралиб туради.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари ўзбек халқи чолғу асбобларининг овоз чиқариш усулларини бойитиш, уни Европа музыка маданиятида қўлланиладиган чолғу асбоблари (симфоник оркестр чолғу асбоблари)га мослаш ҳамда айрим-айрим ҳолда ижро этиладиган асбобларни ма'лум туркумларга тақсимлаб, бир бутун коллектив ёки оркестр составига бирлаштириш учун ҳеч қандай шароит яратилмаган эди.

Октябрь социалистик революцияси туфайли мамлакатимиз халқлари, шу жумладан ўзбек халқи маданиятининг тез ривожланиш учун барча зарур шароитлар яратилди.

Ўзбек халқининг социалистик маданияти ва san'ати улуғ рус халқи маданияти ва классик музыкасининг баракали та'сири остида гуллаб яшнади.

Ўрта Осиё халқлари музыкаси кенг халқ оммаси орасида, клубларда, филармония ва театрларда жаранглайбошлади. Эшитучилар сонининг кўпаябориши натижасида чолғу асбоблари сонини кўпайтириб, оркестрлар тузиш ҳамда асбобларнинг овоз чиқариш усулларини янада зўрайтиришга бўлган талаб кун сайин ошаборди. Бу ҳол халқ чолғу асбобларини такомиллаштириш ва уни нота ёзуви ёрдами билан чалиш ҳамда катта музыка коллективига бирлаштириш учун замин тайёрлайди.

Самарқандаги san'атшунослик илмий-текшириш институти бу соҳада дастлабки тажрибалар қилабошлайди. Профессор Беляев ўзининг «Ўзбекистон музыка асбоблари» деган китобида (1933 йилда Москвада босилган) ўзбек чолғу асбобларини такомиллаштириш ҳақида айрим фикрларни ёзади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам бу масала юзасидан қимматли фикрлар айтган эди.

Ўзбекистон san'ат ходимлари 1930 йилда Москвада бўлиб ўтган СССР халқлари Бутуниттифоқ Олимпиадасига қатнашди. Олимпиада ўзбек халқи san'атининг Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг эришган ютуқларини бирма-бир намойиш қилди ва унинг янада ривожланиш йўлларини кўрсатиб берди.

Ўзбек совет san'ати ўнкунлигидан сўнг, 1938 йил бошларида ўзбек халқи музыка маданиятида жиддий ўзгаришлар юз берди. Ўзбек давлат филармонияси ҳузурида катта музыка коллективлари—ашула ва рақс ансамбли, миллий чолғу асбоблари ансамбли ва ноталаштирилган халқ чолғу асбоблари оркестри ташкил топди. Бу коллективларга ўша вақтда кўзга кўринган san'ат арбоблари Тўхтасин Жалилов, Николай Назарович Миронов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева раҳбарлик қилди. Музика коллективи икки группадан иборат бўлиб тузилди. Бир группа куйларни бировзли (унисон) ҳолда чаладиган Тўхтасин Жалилов бошчилигидаги миллий чолғу ансамбли бўлиб, иккинчи группа—ўзбек куйларини нота системаси асосида кўповозли қилиб чалучи Николай Назарович Миронов раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри группаси эди.

Ўзбек халқ чолғу асбобларида улуғ рус ва Ғарбий Европа классик композиторлари ҳамда Ўзбекистон композиторлари томонидан яратилган музыка асарларини нота системаси асосида ижро этиш учун чолғу асбобларини ма'лум даражада эксперименталь йўл билан ўзгартириш керак бўлади.

Бу соҳада Николай Назарович Миронов дастлабки тажрибалар қилабошлади. У даставвал ўзбек халқи орасида мавжуд бўлган чолғу асбобларидан иборат коллектив тузди. Бунда тамбур, чанг, рубоб сингари асбобларга хос парда (ярим парда) қўйилди, асбоблар квинт асосида созланди.

1939 йилдан бошлаб ўзбек халқ чолғу асбобларини такомиллаштиришда Ашот Иванович Петросянц самарали иш олиб боради. У чолғу асбоблари аслининг нусхасининг ва тембрларнинг характерли хусусиятларини сақлаб қолиш йўли билан овозини янада зўрайтиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди.

Халқ чолғу асбобларидан тузилган бу хилдаги оркестр ўзининг тузилиши, туркумларга бўлиниши билан симфоник оркестрга жуда яқин туради.

Оркестр репертуари ҳозирги кунда учта асосий бўлишдан иборат. Биринчиси ўзбек халқ ижодининг қиймати мероси, я'ни халқ куйлари. Иккинчиси Ўзбекистон Совет композиторлари томонидан халқ куйлари руҳида ёзилган асарлар, учинчиси қардош республикалар композиторларининг асарларидир.

Оркестр рус ва Ғарбий Европа классик композиторлари асарларини, жумладан Глинканинг «Руслан ва Людмила» операсидан «Черномор» маршини, «Вальс фантазиясини», Чайковский, Римский-Корсаков операларидан фрагментлар, машҳур норвег композитори Эдуард Григнинг «Пер Гюнт» сюитасидан «Анитра рақсини» ва бошқа асарларини чалаоладиган бўлди. Бундан ташқари оркестр бан кўшиб якка асбобларда чалиш учун ёзилган асарлар ҳам репертуарда катта ўрин тутади. Оркестр учун ўзбек халқининг ўнлаб гўзал куйлари қайта ишланди, булар орасида «Роҳат», «Чўли ироқ», «Субҳидам» ва бошқалар эшитучилар диққатига сазовордир.

Умуман оркестр репертуарида 300 лан ортиқ музыка асари бор. Оркестр юқорида кўрсатиб ўтилган ютуқлар билан бир қаторда ҳали кўпгина камчиликлардан ҳоли эмас.

Ҳозирги кунда биз оркестрни мукаммаллаштириш устида олиб борилаётган ижодий ахтариш йўли тугади деолмаймиз; бу ахтариш йўллари ҳозир ҳам давом этмоқда. Оркестр состави ҳали тўла равишда тузилиб битмаган.

Оркестр тузилишидан олдин ўзбек халқи ижодини кўповозли қилиш йўли билан бировозли ансамбльга нисбатан тўлароқ ва чуқурроқ ифодаши вазифаси қўйилгаз эди, лекин ҳалигача бунга эришилгани йўқ. Оркестр составига ўзбек халқ чолғу асбобларига таллуқли бўлмаган қўшимча чолғу асбобларининг қўшилиши ва айрим халқ чолғу асбобларининг нотўғри такомиллаштирилиши натижасида кўпинча ўзбек куйлари, айниқса халқ куйлари ижро этилганда ўз миллий хусусиятини йўқотаётир. Оркестр составига ўзбек халқ чолғу асбобларига хос чорак ва ундан ҳам кичик пардалар билан чалиниш хусусиятига эга, халқ куйининг бу нозик элементлари нота ишораси билан ифодаланолмайди, куйининг бу хусусиятини фақатгина ижрочининг ўзи бераолиши мумкин. Оркестр составидаги кўпчилик ижрочилар, айниқса гижжакчилар куйнинг мана шу нозик хусусиятларини етарли бераолмайдилар. Шунинг учун ҳам ҳозиргача оркестр блан кўшиб гижжакда чалиш учун бирорта асар ёзилгани йўқ. Гижжак восита кучининг бойлиги жиҳатидан бошқа асбобларга нисбатан анча устундир. Оркестр составига ўзбек куйларини мана шу элементлар блан миллий руҳни тўла очиб ижро этадиган моҳир чолғучилар кўпроқ тортилса, яна ҳам яхши натижаларга эришиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган камчиликларга асосланиб оркестрнинг ҳали талабга тўла жавоб бермаслигини, ма'лум бир формага эга бўлмаганлигини яна бир карра та'кидлаб ўтиш лозим. Шунга қарамасдан Ўзбекистон давлат филармонияси ҳузуридаги ўзбек халқ чолғу асбобларининг ўзбек халқи олдидаги хизмати катта.

Оркестр ўзбек халқини рус ва Ғарбий Европа классик композиторларининг гўзал асарлари блан таништиришда кўпгина ишлар қилди. Оркестрнинг ташкил топиши завод, фабрикаларда, ўқув юртларида, колхоз қишлоқларида ҳам шу хилдаги оркестрларнинг вужудга келишини ва музыкага ишқивоз ёшларнинг нота ёзуви блан таниниши та'минлайди. Айниқса Ашула байрамига тайёрлик кетаётган шу кунларда бу оркестр зиммасида катта вазифалар турипти.

Оркестр келажакда янада такомиллаштириб чолғу асбоблари блан бойитилса, ўз составидаги ижрочилар блан, айниқса солист ижрочилар блан мунтазам суратда иш олиб борса ва уларнинг ўз устларида ишлашларини та'минласа, яхши натижаларга эришиши мумкин.

Оркестр ўз атрофига ўзбек ижодкорларини кўпроқ тўплаши ва улар блан узуксиз иколий алоқада бўлиши, халқ орасидаги бой музыка san'ати хазиналаридан фойдаланиши ва уларни халққа етказиш учун тинмай ишлаши лозим.

М. АҲМЕДОВ.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг қарорлари

ВЕНА, 14 март. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг 11—13 мартда бўлиб ўтган мажлисида қабул қилинган қарорлар муносабати блан Жаҳон Тинчлик Кенгаши бугун матбуот конференцияси ташкил қилди.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг секретари Изабелла Блюм ахборот бериб айтдики, Бюрода атом уруши тайёрланишига қарши Жаҳон кампаниясини кучайтириб юбориш ҳақидаги ва 1955 йил 22—29 майда Хельсинкида тинчлик кучлари вакилларининг Жаҳон Ассамблеясини ўтказиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши раисининг ўринбосари Артур Лундквист ўз баёнотида уқтириб ўтдики, Шимолий Атлантик иттифоқи кенгашининг атом қуролини ишлатиш ҳақидаги қарорлари, Ғарбий Германияни ремилитаризация қилиш планлари, Англиянинг атом куроли ишлаб чиқаришга қўшилиши ва Америка Қўшма Штатларининг Узоқ Шарқдаги агрессив ҳаракатлари атом уруши хавфини кескин суратда кучайтирди. Шунинг учун Жаҳон Тинчлик Кенгашининг вазифаси бутун инсонларини кучайиб кетган атом уруши хавфига қарши курашга сафарбар қилишдан иборатдир.

Сўнгра Бюро мажлисида қабул қилинган қуйидаги ҳужжатлар ўқиб эшитдирилди:

ЖАҲОН ТИНЧЛИК АССАМБЛЕЯСИ УЧУН

Ҳарбир мамлакат, ҳарбир уй, ҳарбир киши устида очиқдан-очиқ атом урупи хавфи пайдо бўлди. Атом энергиясини инсониятга хизмат қилдириш ўрнига, атом қуроли запасларини тўпламоқдалар; қуролсизланиш ўрнига, янги ҳарбий блоклар тузмоқдалар; музокаралар олиб бориш ва битимга келиш ўрнига, дўқ қилмоқдалар ва адоватни авж олдирмоқдалар.

Лекин дўқ қилишлар ва зўровонлик сиёсати тинчликка олиб бормайди, балки урушга олиб боради. Германия қайта қуроллантирилиши, Тайвань районида юзага келган вазият, халқларнинг мустақиллигига қасд қилинишни — ҳамма жойда жанжалларни кескинлаштирмоқда ва ташвишни кучайтирмоқда. Агар бу йўлдан борилаверилса, у ҳолда ҳеч ким ўзини хавф-хатарсиз яшайман, деб ҳисоблайолмайди.

Бундай аҳвол барча кишилар учун тидаб бўлмайдиган бир ҳол бўлиб қолди. Улар атом куроли воситаси блан оммавий равишда кириш ҳақидаги фикрни нафрат блан рад этмоқдалар.

Халқлар ядро куролининг йўқ қилинишини ўзларининг бор куч-қувватлари блан талаб этишлари, умумий қуролсизланишни, ҳамма учун хавфсизликни, ҳарбир миллатнинг суверенитети ва ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини талаб этишлари лозим.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши ана шу мақсадларни кўзда тутиб, ҳамма мамлакатлардаги тинчликсевар кучларнинг вакилларини тинчлик учун курашнинг кечиктириб бўлмайдиган масалаларини эркин муҳокама қилмоқ учун 22 майда Хельсинкига Жаҳон Ассамблеясига тўпланишга таклиф этади.

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИ БЮРОСИНИНГ БАЁНОТИ

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг атом қуролини йўқ қилишга ва уни ишлаб чиқаришнинг тўхтатилишига эришишга чақирувчи ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва имзо тўплаш кампанияси атом қуролини шундай куч блан ялпи қоралаб чиқиш имкониятини беради, бу куч атом куролига эга бўлган ҳамма ҳукуматларнинг қаттиқ контроль остида атом куролини йўқ қилиш ҳақида битимга келишларига эришиш учун кифоя бўлаолади. Бундай битим ялпи қуролсизланиш йўлида муҳим қадам бўлур эди.

Халқлар атом куролини қоралаганликларини шунчалик кат'ият блан айтаолаллиги, бундай қилганда бирорта ҳам ҳукумат буни э'тиборсиз қолдиришга жур'ат этаолмайди.

Сўнгра Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг а'золари Австрия ва четэл журналистлари берган жуда кўп саволларга жавоб қайтардилар.

Италия жамоат арбоблари нинг тинчликни ҳимоя қилишга бағишланган конференцияси

РИМ, 14 март. (ТАСС). Кеча Флоренцияда тинчлик тарафдорлари вилоят комитети томонидан чақирилган ва тинчликни ҳимоя қилишга бағишланган ҳамда атом уруши тайёрлашга қарши қаратилган конференция бўлиб ўтди. Конференцияда фан ва сан'ат соҳасида ишловчи кўпгина арбоблар ҳамда жамоатчилик кенг доираларининг вакиллари қатнашди.

Конференция қатнашчилари яқдиллик блан қабул қилган резолюцияда, халқлар олдида ўз тақдирини ўз қўлига олиш ва тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳамма ҳаракатларни ҳимоя қилиш вазифаси турибди, дейилади. «Ҳарбир граждан,— дейилади резолюцияда, — ялпи қирғин куроллари нинг барча мавжуд запасларини йўқ қилиб ташлаш, шундай куролларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш, фан муваффақиятларидан тинчлик ва тараққиёт мақсадларида фойдаланиш масаласида ҳукуматлар битимга келсин, деб талаб этсин».

Француз ва немис интеллигенцияси Париж битимларига қарши курашда биргалашиб ҳаракат қилмоқда

ПАРИЖ, 14 март. (ТАСС). Кеча Парижда Франция ва Ғарбий Германия университетлари профессорлари ва ўқитучилари вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари Ғарбий Германияни куроллантиришга қарши биргалашиб олиб борилаётган курашни активлаштириш масаласини муҳокама қилдилар. Кенгашда французлар томонидан Париж университетининг профессори Бургиньон, профессорлардан Дреш, Лион-Кан ва бошқалар, шунингдек Республика кенгашининг а'зоси Лео Амон ҳозир бўлдилар. Кенгашда германлар томонидан Ғарбий Германия университетларининг 14 ходими, шу жумладан социал-демократик партиянинг бирқанча а'золари қатнашди.

Кенгашда қабул қилинган резолюцияда Франция блан Германия ўртасидаги тинч муносабатларни мустаҳкамлашга эришмоқ учун бир нарса зарур. Ғарбий Германияни куроллантириш планларини барбод қилиш зарур, дейилади.

Париж, 14 март. (ТАСС). «Либерасьон» газетасининг берган хабарида айтилишича, яқинда Берлинда француз Миллий инженерлар ва техниклар союзи вакилларининг Германия Демократик Республикаси техника палатаси вакиллари блан бирликда кенгаши бўлиб ўтган. Кенгашда француз ва герман инженерлари ҳамда техникларининг Париж битимларига қарши биргаликда олиб борадиган курашнинг негизлари ишлаб чиқилган. Ҳар иккала мамлакат техника интеллигенциясининг шу курашда муттасил ҳамкорлик қилишини та'минламоқ учун француз-герман комитети тузишга қарор қилинган.

Париж битимларига қарши Европа меҳнаткашлари конференциясини ўтказишга тайёргарлик

БЕРЛИН, 14 март. (ТАСС). Демократик матбуотнинг биллиришига қараганда, 12—13 мартда Берлинда Франция, Италия, Ғарбий Германия, Германия Демократик Республикаси, Польша ва Чехословакия меҳнаткашларининг вакиллари учрашганлар. Учрашув қатнашчилари Франция корхоналаридаги касаба союз комитетларининг чақиригини, я'ни Париж битимларига қарши Европа меҳнаткашларининг конференциясини ўтказиш тўғрисидаги чақиригини муҳокама қилдилар.

Лейпциг корхоналари коллективларининг таклифига мувофиқ, конференцияни Лейпцигда 22 апрельдан 24 апрельгача ўтказиш мўлжалланди. Конференцияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун халқаро ташкилот комитети сайланди. Бу комитет Лейпцигга иш олиб боради.

Миср, Сурия ва Саудия Арабистони бош министрларининг бўладиган кенгашига доир

ҚОҲИРА, 14 март. (ТАСС). Матбуотда хабар қилинишига қараганда, Миср миллий раҳбарлик министри Салоҳ Салимнинг айтишича, Миср, Сурия ва Саудия Арабистони бош министрларининг кенгаши 20 мартда Қоҳирада очилади.

Бу кенгашда бош министрлар блан бирқаторда мазкур уч давлатнинг ташқи ишлар, мудофаа, экономика ва молия министрлари, шунингдек бош штаблари бошлиқлари ҳам қатнашади.

Илгари хабар берилганидек, бу кенгаш Миср, Сурия ва Саудия Арабистони ҳукуматлари ўртасида Салоҳ Салим мазкур араб мамлакатлари пойтахтларида яқинда олиб борган музокаралар вақтида эришилган битимга мувофиқ, араб мамлакатларининг мудофаасини ва иқтисодий ҳамкорлигини та'минлайдигаи янги ташкилотнинг уставини ишлаб чиқиш мақсадида чақирилади.

АМЕРИКАЧА «МЕҲМОНДУСТЛИК»

ВАШИНГТОН, 14 март. (ТАСС). Вакиллар палатаси юридик комиссиясининг э'лон қилган докладидан ма'лум бўлишича, америкаси шахматчилар блан 1953 йил июль ойида матч ўтказмоқ учун совет шахматчилари командаси АҚШга келиши кутилиб турган пайтда юстиция министрлиги совет спортчиларига нисбатан полиция воситаси блан қаттиқ чеклаш режими ўрнатиш тўғрисида буйруқ берган. Ма'лумки, камситишдан иборат мана шундай ўзбошимчалик блан қилинган камситиш ва чеклашлар совет шахматчиларининг 1953 йилда АҚШга боришдан воз кечишларига сабаб бўлди. Бу матч 1954 йил июнь ойидагина ўтказилди ва совет шахматчилари ўша матчда 20:12 ҳисоби блан ютиб чиқдилар.

Юридик комиссиянинг докладида АҚШ юстиция министрлигининг 1953 йил 30 июньда чиқарган буйруғи келтирилган. Шу буйруқда юқорида айтилган қаттиқ чеклаш чоралари ва бу чоралари полиция ёрдами блан ўтказиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Жумладан, мазкур буйруқда, совет шахматчилари АҚШда бўлган вақтларида «иммиграция ва натурализация бошқармаси вакилларининг муттасил назорати остида бўлишлари лозим» дейилади. Яна шу буйруқда, совет шахматчилари АҚШ да бўлган вақтларида «Нью-Йорк шаҳридаги битта гостиницада туришлари лозим» ва улар «ҳеҳбир вазиятда мазкур гостиницадан чиқиб кетмасликлари лозим, уларнинг гостиницадан чиқишлари учун ҳар сафар иммиграция ва натурализация бошқармасининг рухсати бўлиши ва улар шу бошқарма вакилларининг назорати остида юришлари лозим, улар ҳеҳбир вазиятда Нью-Йорк шаҳрининг марказий районидан чиқиб кетмасликлари лозим» дейилган.

АҚШ ўзига итоат қилдирган давлатларни куроллантирмоқда

Чет давлатларга ҳарбий ёрдам бериш тўғрисида Эйзенхауэрнинг АҚШ конгрессига доклади

НЬЮ-ЙОРК, 14 март. (ТАСС). 14 мартда АҚШ президенти Эйзенхауэр 1954 йилнинг иккинчи ярми учун «ўзаро хавфсизликни та'минлаш программасининг бажарилиши тўғрисидаги (АҚШ иттифоқчиларини ва АҚШнинг ўзига итоат қиллиргаи давлатларни куроллантириш программаси мана шундай ном блан юритилади. — **Редакция**) навбатдаги докладни АҚШ конгрессига юборди.

Докладда келтирилган ма'лумотларга қараганда, шу программа бўйича чиқарилган маблағнинг катта қисми ҳарбий мақсадларга сарф бўлган. 1949 йил октябрь ойидан тортиб то 1954 йил декабрь ойигача АҚШ бошқа мамлакатларга ҳаммаси бўлиб 10,5 миллиард долларлик ҳарбий аслаҳа-анжом етказиб берган шу жумладан 6 мингтадан кўпроқ самолёт, 36 мингтадан кўпроқ танк, 36 мингтадан кўпроқ тўп-замбарак ва бошқа шу сингари қурол-яроғлар юборилган.

1954 йилнинг иккинчи ярмида АҚШ дан агрессив Шимолий Атлантик-иттифоқининг Европадаги куролли кучларига 700 миллион долларлик қурол-яроғ ва ҳарбий аслаҳа-анжом юборилган. 1949 йилдан бери ҳаммаси бўлиб 7,5 миллиард долларлик шу хилдаги қурол-яроғ ва аслаҳа-анжомлар юборилган. АҚШ Шимолий Атлантик иттифоқи а'золари бўлган европали мамлакатларни эўр бериб куроллантираётганлиги натижасида бу мамлакатлар ўзларининг йиллик ҳарбий харажатларини тахминан 11 миллиард долларга етказишга мажбур бўлганлар.

1949 йилдан бери Узоқ Шарққа 1,9 миллиард долларлик ҳарбий материал етказиб берилган. Докладдаги ма'лумотларга қараганда, 1954 йилнинг иккинчи ярмида Тайваньдаги чанкайшичилар тўдасига ва Жанубий Кореядаги лисинманчиларга берилаётган ҳарбий ёрдам хажми кўпайтирилган.

Докладдан ма'лум бўлишича, АҚШ қайси мамлакатларни Яқин Шарқда ташкил қилинаётган агрессив блокка мажбуран а'зо бўлиб киришлари лозим деб ҳисоблаётган бўлса, ҳозирги вақтда у ўша мамлакатларга ҳарбий аслаҳа-анжом етказиб беришни кўпайтирмоқда. Шу муносабат блан докладда айтилишича, Туркия ҳукуматига берилаётган ҳарбий «ёрдам» 1954 йилда кўпайтирилган.

Докладда Покистон ҳарбий тадбирлар кўриш соҳасида «катта ғайрат қилмоқда» дейилади.

Докладдаги ма'лумотларга қараганда, 1955 йил 30 июньда тугайдиган ҳозирги молия йилида Яқин Шарққа, Африкага ва Жанубий Осиёга 383 миллион долларлик ҳарбий аслаҳа-анжом юборилади.

Докладда айтилишича, 1954 йилнинг иккинчи ярмида ҳарбий ёрдам кўрсатиш соҳасида капиталистик дун'ёнинг «иқтисодий жиҳатдан кам тараққий қилган районига» кўпроқ э'тибор берилган. Докладни тузучилар Америка империалистларининг шу мамлакатларга кўпроқ э'тибор бераётганликларини изоҳлаб, бундай дейдилар: «Кам тараққий қилган мамлакатларнинг ҳаммасини бирга олганда... улар ер юзидаги энг муҳим минераллар ва хомаш'ёларнинг катта манбаилирлар ва уларда энг қимматли ҳарбий базалар қурилган».

СССР ва Хитой Халқ Республикасининг жуда катта иқтисодий муваффақиятлари кам тараққий қилган мамлакатларда таассурот туғдириши мумкинлиги АҚШни хавотирга солиб қўяётганлиги мазкур докладдан сезилиб турибди. Шу мамлакатлар, деб нолийдилар докладни тузучилар, «коммунистик йўл тез иқтисодий тараққий қилиш соҳасида ўзлари учун энг яхши йўл деб ишонишлари мумкин».

Доклад авторлари жуда ташвишга тушиб, Совет Иттифоқи кам тараққий қилган мамлакатларга чинакам одилона шартлар блан «саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида техника ва молия ёрдами кўрсатиш ҳақида ўзи қилаётган конкрет таклифларнинг сонини кўпайтирмоқда», деб ёзганлар.

Тошкентда

☆

Тошкент Давлат консерваторияси ҳузуридаги ўнйиллик музика мактаби республиканинг энг йирик музика билим юртларидан бири. Ҳозир мактабда машғулотлар қизғин давом этмоқда. Бу йил кўпгина ўқучилар 10-нчи синфни тамомлаб, юқори музика ўқув юртларига кириб ўқиш имкониятига эга бўладилар. **Суратда:** 10-нчи синфда ашула дарси. Дарсни ўқитучи ўртоқ **Е. И. Бузанская** ўтказмоқда. Ўнг томонда а'лочи ўқучи **Сурайё Расулева** ашула айтмоқда.

А. Палехов фотоси.

☆

Биринчи рус революциясининг 50 йиллигига бағишланган виставка

Юридик институтининг профессор-ўқитучи ва студентлар коллективи биринчи рус революциясининг шонли 50 йиллигини кенг нишонламоқдалар.

Институтда кутубхона коллективининг ташаббуси блан «Биринчи рус революциясининг эллик йиллиги» деган темада китоблар виставкаси ташкил қилинди. Виставка асосан уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимга марксизм-ленинизм классикларининг 1905 — 1907 йиллардаги халқ революцияси ҳақида ёзган асарлари қўйилган. Иккинчи ва учинчи бўлимларда эса Петербургдаги 1905 йил 9 (22) январь «Қонли якшанба» воқиалари, «Потёмкин» броненосецидаги қўзғолон, Декабрь куроллі қўзғолони ва Россиянинг чекка ўлкаларида миллий-озодлик ҳаракатининг авж олиши ҳақида ёзилган 50 га яқин балиий асарлар, сиёсий адабиётлар қўйилган.

Булар орасида Р. И. Ленининг «Демократик революция социал-демократларнинг икки тактикаси», «1905 йил революцияси тўғрисида доклад», «1905 — 1907 йиллардаги биринчи рус революциясида социал-демократиянинг аграр программаси» асарлари, улуғ пролетар ёзучиси Максим Горькийнинг «Она» романи, И. Личевнинг «Потёмкинчилар», Михаил Соколовнинг «Учқун» асарлари ва бошқа шунинг сингари брошюра ва обзор материаллари бор.

Янги киносценарий

Яқинда Ўзбекистон Маданият министрлигининг коллегия мажлиси бўлиб, унда М. Мелькумовнинг «Севгимиз туфайли» («Во имя нашей любви») номли янги бадиий музикали кинокомедиясининг сценарийси муҳокама қилинди.

Сценарий шу кунининг темасида ёзилган. Унда Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаётига оид муҳим масалалар ёритилган.

Мажлисга йиғилган коллегия а'золари, кино ходимлари янги киносценарийни кенг, атрофлича муҳокама қилиш блан бирга бирқанча муҳим танқидий мулоҳазалар айтдилар ва авторнинг сценарий устида ишни давом этдириши ҳақида маслаҳат бердилар.

«Севгимиз туфайли» фильмининг постановкаси устида Тошкент бадиий ва хроникаль фильмлари киностудияси иш олиб боради. Фильмнинг режиссёри қилиб П. А'замов тасдиқланди.

☆ ☆

Бу йил Тошкент пахта тозалаш саноати техникумининг ташкил топганига 35 йил тўлади. Бу вақт ичида техникум пахта тозалаш саноати корхоналарига 1,5 мингдан ортиқ мутахассис кадрлар етиштириб берди. Бу йил техникумни яна 87 киши тамомлаб чиқади. **Суратда:** (чапда) техникумни бу йил тамомловчи а'лочи ўқучилардан **В. Назиров, Г. Хўжаева, Е. Свинаренко** ва **Б. Мирзаев** ўртоқлар.

И. Душкин фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ғўзани сун'ий усулда суғорадиган машина

Ўтган йили ёзда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тажриба станциясида, шунингдек САНИИРИ, СоюзНИХИ ва бошқа илмий-текшириш муассасаларида ғўзани сун'ий усулда суғориш учун чиқарилган — «ДДП — 30» маркали янги машина синовдан ўтказилган эди. Яқинда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги машина ҳузурида чақирилган махсус кенгашда ана шу ўтказилган синовларга якун ясалди.

Ўтказилган тажрибалар шу нарсани кўрсатдики, ғўзани «ДДП—30» машинаси ёрдами блан суғориш ўсимликнинг му'тадил (нормал) сув режимини та'минлаш блан бирга унинг яхши ўсиши ва ривожланишига ёрдам беради.

Ғўзани сун'ий усулда суғоришнинг яна бир афзаллиги шундаки, бунда эгатлар орқали суғоришга нисбатан икки мартадан ҳам кам сув сарфланади.

«ДДП—30» машинаси ёлғиз ғўзани суғоришдагина қўлланилмайди, балки ундан пахтани машинала териш учун ғўза баргларини сун'ий усулда тушириш, шунингдек, ғўза зараркунандалари ва касалликларига қарши курашда ҳам фойдаланилади.

Машина жуда ихчам тузилган, у тез бурилаолади. Бу йил илмий-текшириш муассасалари блан бирқаторда республикамиз, шу жумладан областимиздаги кўпгина колхоз ва совхоз далаларида ҳам ғўзани янги усулда суғориш юзасидан кенг тажриба ишлари олиб борилади.

Тошкент ҳайвонот боғида

Январь кунларидан бирида Тошкент ҳайвонот боғидаги «Машка» номли айиқ болалади. Ўшандан буён орадан икки ой чамаси вақт ўтди. Айиқ боласи яқинда ўз инидан биринчи марта сайрга чиқди.

Қорамтир айиқларнинг яхши қишлаши учун уларга иссиқ хона қурилган эди. Бизнинг иқлим шароитимизда айиқларнинг бемалол қишлови учун бундай иссиқ хона ҳам етарли эмас эди.

Шунга кўра ҳайвонот боғи сут эмизучи-ҳайвонлар бўлимининг бошлиғи, ветеринария врачи А. Афанасьев она айиқни кучли овқатлар блан парвариш қилди, уни янги мева ва сабзавот блан та'минлаб турди, кўпроқ витамин блан боқди.

Ҳайвонот боғида сақланаётган ҳайвонларни касалликдан сақлайдиган яна бир восита бор. У ҳам бўлса — Тошкент минерал сувидир. Йўлбарс ва лама (Жанубий Америка туяси)нинг тоби қочганда, улар ана шу менирал сувдан тузалиб кетдилар.

Кичик айиқ боласи ўзини яхши сезмоқда. Қуёш тафтидан тўла баҳраманд бўлган бу айиқча биринчи сайрга чиққан кунидёқ онаси блан бирга мириқиб ўйнади.

Бу йил баҳорда ҳайвонот боғидаги яна кўпгина ҳайвонларнинг, жумладан, насли кам'ёб динго итининг, бўри, қашқир ва тулкининг болалаши кутилмоқда.

«Дон кихот»нинг 350 йиллиги

Ўрта Осиё Давлат университетининг асосий кутубхонасида испан халқининг буюк ёзучиси Сервантес ижодига бағишланган виставка ташкил этилди.

Виставкада «Дон кихот» асарининг испан тилидаги икки томи, рус тилидаги биринчи нашри, шунингдек совет давридаги нашр этилган томлари қўйилган.

Виставкада «Дон кихот» асари ҳақида ва ёзучининг ижодига бағишланган бошқа илмий асарлар бор.

Модельчи — рассомларнинг Бутуниттифоқ кенгашига

Шу йил март ойида Москвада очиладиган модельчи-рассомларнинг Бутуниттифоқ кенгашига қатнашиш учун республиканинг бир группа тикучилари жўнаб кетдилар. Булар орасида Тошкент модельер уйининг бош бадиий раҳбари Е. Аксюк, пойтахтнинг модельчи-рассомларидан Р. Саидназарова, Н. Скородумова, В. Ренейков, Е. Нуллаева, шунингдек «Қизил тонг» фабрикаси ҳамда Ўзглавшвейпром 1-нчи заводининг бош инженери А. Герега ва бошқа ўртоқлар бор.

Делегацияга Чирчиқ Тикучилик фабрикасининг директори ўртоқ Т. Мирсаидов бошчилик қилади.

Улар Москвадаги Марказий модельлар уйида очиладиган виставкага қўйиш учун турли фасондаги 30 дан ортиқ кийимларни олиб кетдилар.

Маккажўхорининг биологик хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш

Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг ўсимликшунослик кафедрасида чорва моллари учун энг қиммати ем-хашак қисобланган маккажўхори ҳамда соргонинг биологик хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганишга киришилди. Маккажўхори ва соргонинг яна бир яхши хусусияти шундаки, улардан силос учун фойдаланилса бўлади.

Ўзбекистон деҳқончилиги шароитида маккажўхори ва сорго экинларини етиштириш юзасидан илмий-тажриба ишлари олиб бориш учун ҳозирданоқ тажриба участкалари ва нав'ли уруғликлар ажратилиб қўйилди.

Кафедранинг аспиранти Д. П. Маҳмудов «Ўзбекистон деҳқончилик хўжалигида ем-хашак экинларини ем ва силос учун синаб кўрилиши» деган темада ўзининг кандидатлик диссертациясини ёзишга киришди.

Хотин-қиз шахматчилар мусобақаси

Тошкентда Ўзбекистон биринчилиги учун хотин-қиз шахматчилар мусобақаси ўтмоқда. Мусобақада республиканинг кучли шахматчиларидан Пронина, Дмитрук, Сильвестр, Козлович, Собирова (Тошкент), Дадамирзаева (Наманган), Бикова (Андижон) ва бошқалар қатнашмоқдалар.

Мусобақада конкурсдан ташқари жаҳон эксчемпиони ленинградли Людмила Руденко ҳам қатнашмоқда.

Ҳозиргача ўйналган тўққиз турдан кейин биринчи ўринда жаҳон эксчемпиони Л. Руденко бормоқда. У, 9 имкониятдан 8 очкога эга. Дмитрук ва Козлович 7,5 дан, Пронина — 7, Сильвестр — 6,5 очко олдилар.

Мусобақа давом этмоқда.

—0—

ОБ-ХАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкент областида ва Тошкентда ҳавонинг ўзгариб туриши, лекин ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Температура 7-10 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/III да **Юрак сирлари**, 17/III да **Ҳамза**.

«РОДИНА», НАВОИ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги чехословак бадиий фильми **Тамоша бўлади!**

«ИСКРА» — **Сиз блан қайдадир, учрашган эдик.**

«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» кинотеатрида — 16, 17/III эрталаб соат 10 да венгер фильми **Ярмаркадаги ҳодиса.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
16 мартда
«АЖОИБ ТУШЛАР КЕЧАСИ» АТТРАКЦИОНИ.
Янги программада
цирк тамошалари.
Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

Чувалачи кўча, 77-нчи уйда туручи **Турди Ил'ёсовнинг** Тахтапул кўча, 4-нчи тупик, 3-нчи уйда туручи Баҳринниса Жалиловадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 03283. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1392.